O'zingni angla!

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

2012-yil 2-may, chorshanba ✱ № 19 (771) ✱ 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan ✱ elektron manzil: hurriyat@doda.uz ✱ www.uzhurriyat.uz

ТЎҚҚИЗТА ЭГИЗАК ТУҒИЛАДИ!

Мексиканинг Коахуила штатида яшовчи Карла Ванесса Перез яқин орада бир йўла тўққизта (!) эгизак фарзанд кўриши мумкин. Айни пайтда у шифохонада, врачларнинг қатъий назоратида.

Дарвоқе, шифокорлар туғилажак эгизакларнинг жинсини аниқлаб улгуришди: олтита қиз ва учта ўғил бола.

⇨ 5-бет

СКРИНИНГ МАРКАЗИ: СОҒЛОМ ОНА, СОҒЛОМ БОЛА КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни камолга етказиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда.

⇨ 6-бет

БИЗ УЧУН ЭНГ АЗИЗ, БЕБАҲО

Ҳаётимга беқиёс маъно,
Фарзандларим шодон жаллиги.
Биз учун энг азиз, бебаҳо
Оиламиз мустаҳкамлиги.

⇨ 8-бет

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 1 май куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги Ваколатхонаси (Делегацияси) раҳбари — элчиси этиб тайинланган Норбер Жустендан ишонч ёрлиғини қабул қилди.

Ўзбекистон жаҳон ва минтақавий сиёсатда муҳим ўрин тутадиган, улкан савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий салоҳиятга эга бўлган Европа Иттифоқи билан ўзаро манфаатли ва конструктив ҳамкорликни кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратади.

Ислом Каримов элчини юксак лавозимга тайинлангани билан табриклаб, шарафли ва масъулиятли миссиясини бажаришда муваффақиятлар тилади.

Ўзбекистон билан ЕИ ўртасида 1996 йилнинг июнь ойида Флоренцияда давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасида мамлакатимизнинг Европа Иттифоқи билан муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлашга асос бўлган Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган.

2011 йилнинг январь ойида Брюсселда бўлиб ўтган олий даражадаги икки томонлама музокара ва унинг якунлари юзасидан имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги кенг кўламли мулоқотларга янги суръат бахш этди.

Икки томон ҳам савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Мамлакатимизда Европа инвесторлари иштирокида тузилган 840 дан зиёд корхона ўзаро манфаатдорлик асосида фаолият кўрсатмоқда, ЕИга аъзо мамлакатларнинг қарийб 270 етакчи компанияси ваколатхоналари рўйхатдан ўтказилган. 2011 йилда Ўзбекистоннинг ЕИ мамлакатлари билан умумий савдоси ҳажми 2010 йилдагига нисбатан қарийб 20 фоиз ўсди ва 2,3 миллиард АҚШ долларидан ошди.

Ўзбекистон Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияси доирасидаги лойиҳа ва дастурларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаб келмоқда. Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар йўналишларда, хавфсизлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сув ресурсларини бошқариш соҳаларида, демократлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш масалаларида ўзаро ҳамкорликда тадбирлар ташкил этилмоқда.

Норбер Жустен самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига миннатдорлик изҳор этди ва Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Ваколатхонасининг илк раҳбари сифатида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишини таъкидлади.

ЎзА

ВАТАН

Ерда ҳали тил бордир,
Тунлар қовушиб,
Дилга айланадир яхлит жон ва тан.
Элликқалъалардан келса товушинг,
Товушларинг келса Тупроққалъадан.

Тупроққалъалардан келар товушинг,
Товушларинг келар Элликқалъадан.
Мен ҳали бир кўргондаи кетгум қоришиб
Улуғ кўргонлардан аралган Ватан.

Сирожиддин САЙИИД

Asrlar sadosi

Бир неча кундан сўнг қадимий ва навқирон Қорақалпоғистон заминида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказиладиган «Асрлар садоси-2012» анъанавий маданият фестивали бошланади

Ўз замонида бугунги асрнинг энг юксак демократик қадриятларини ширали шеър ва сермаъно достонларига жойлай олган улуғ қорақалпоқ шоири Бердақ Қарғабой ўғли боғларида «ғунчалар гулга айланган», «ичинда булбуллар сайраган», «қуёшнинг нурлари ўйнаган» ёруғ дунёни орзу қилса, унинг машҳур сафдоши Ажиниёз Қўсибой ўғли «Соз билан суҳбатни ёлғон деманглар, Одам Ато бино бўлгандан бордир» дея лутф этган эди. Айни кунда йигирма йил аввал Аллоҳнинг иноята, муҳтарам Юртбошимизнинг саъй-ҳаракати билан барпо этилган истиқлол боғларида бугун умидвор ғунчалар қийғос гулга айланди, шиғил-шиғил мевалар тугди, иқтисодиётдагина эмас, соз билан сўз санъатида, маданият ва спорт соҳасида ҳам жаҳоншумул натижаларга эриша олдик. Бу борада таъсис этилганидан буён ўтган 8 йил давомида мамлакатимизда фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, айниқса, миллий анъаналаримизни ривожлантиришга муносиб улуш қўшиб келаётган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан ҳаётга татбиқ этиб келинаётган «Келажак овози», «Янги авлод», «Навқирон Ўзбекистон», «Олтин қоплон», «Базар-арт», «Чимган садолари» каби ўнлаб ҳаётбахш лойиҳалар, фан, тасвирий санъат, театр, кино, дизайн, мода анжуманлари билан бир қаторда «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ҳам нафақат мамлакатимизда, балки халқаро миқёсда алоҳида нуфузга эга бўлиб, оммалашиб, қамрови тобора кенгайиб бормоқда.

2008 йилнинг 3 май куни Қашқадарё вилоятининг Китоб ва Шаҳрисабз туманлари орасидаги баҳорнинг ям-яшил чиммати билан ўралган, анвойи гуллар очилган, дарахт ва буталарда булбуллар хониш қилган Қоратепа адирида, Қайнарбулоқ қошида карнай-сурнай садолари I «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивалига чорлаган, гўзал гўшага тикилган ўтовлардан дутор, қўбиз нолалари, най наволари янграган, «Алпомиш» ва «Гўрўғли»дан, «Қирққиз» ва «Хирмондали»дан термалар айтилгани ҳали эсимизда. Қалбларимиз тўлиб куйланган қўшиқ-куйларга қадимий Ҳисор тоғларининг тароватли тизмалари ҳам акс-садо берганди.

2 »

✔ Ўзбекистон – умумий уйимиз

ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Андижонда "Миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик — тараққиёт омили" мавзуида дўстлик фестивали бўлиб ўтди.

Тадбирда вилоятда фаолият кўрсатаётган миллий маданият марказлари фаоллари, турли миллат ва элатлар вакиллари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда хотин-қизлар қўмиталари вакиллари, ёшлар иштирок этди.

Фестиваль Андижон давлат университетида ташкил этилган "Ўзбекистон — кўпмиллатли аҳил оила" расмлар ва ижодий ишлар кўргазмасидан бошланди.

"Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси вилоят бўлими томонидан ташкил этилган мазкур кўргазманинг очилишида мамлакатимизда истиқомат қилаётган турли миллат ва элатлар ўртасида дўстлик, ҳамжиҳатликка асосланган муносабатлар қарор топгани, Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида юртимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун йўли билан ҳимояланган, уларнинг миллий анъана ва урф-одатларини ривожлантиришлари учун барча шароитлар яратиб берилиши мустаҳкамлаб қўйилгани хусусида сўз юритилди.

— Ушбу тадбир юртимизда миллатлараро дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилиши шубҳасиз, — дейди Республика байналмилал маданият маркази раҳбари Насриддин Муҳаммадиев. — Мақсадимиз Ўзбекистонда яшаётган барча миллат ва элатларни Ватанимиз тинчлиги ва равнақини таъминлаш йўлида жипслаштиришдан иборат.

Кўргазмада намойиш этилаётган асарларда юртимиздаги миллатлараро дўстлик ва тотувлик, барча миллат вакилларининг озод юрт фуқароси сифатидаги фаолият ва интилишлари тўлақонли тарзда кўрсатиб берилган.

— Вилоятимизда юздан ортиқ миллат вакиллари ҳамжиҳат, тинч-тотув яшаб, Ватанимиз тараққиёти йўлида хизмат қилмоқда, — дейди Андижон вилояти ҳокимининг ўринбосари Ҳотамжон Кетмонов. — Шу боис ҳам кўп йиллардан буён миллатлараро аҳиллиқнинг ёрқин намунаси сифатида дўстлик фестивалли ва бошқа турли маданий-маърифий тадбирлар мунтазам равишда ўтказиб келинаётир.

Анжуман доирасида Кўрғонтепа туманида дўстлик фестивали, Хўжаобод туманида давра суҳбати ташкил этилди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ,
ЎзА мухбири

✔ Фикрлаётган ёшлар

ФАРЗАНДИНГИЗНИНГ ДЎСТИ КИМ?!

«Инсоннинг тақдири кўп жиҳатдан унинг яқинлари ким ва қандай бўлишига ҳам боғлиқ!» Ушбу фикрни назарий ва ҳаётий мисоллар билан далиллашга уринсак. Таниқли маънавият тарғиботчиси, педагогика фанлари доктори Муҳаммаджон Қуронов ўзининг «Оталар китоби» қўлланмасида шундай ёзади: «Ўғлингни тартиб билан ўйлашга, сўзлашга, ўқишга, ишлашга, яшашга ўргат! Ҳар куни қиладиган ишларини ёзиб, бажарилганини ўчириб борсин. Дам олиш, ўқиш, ўйин учун ҳам вақт ажратсин. Иш пайтида фақат ишни ўйласин. Дарсда эса фақат ва фақат ўқишни ўйласин. Йўлда кетаётса, йўлни ўйласин. Хаёли паришон юрмасин...»

Аҳарҳақиқат, ўсмирларнинг кўл-оёғи кўпинча фикридан олдин юради. Масаланинг моҳиятига унчалик эътибор бермайди. Натижада хом, нотўғри қарор қабул қилади. Шунинг учун ўсмирга барча нарсани батафсил, сабаб ва оқибатини ётиғи билан тушунтирган маъқул. Балоғат ёшида уни оила бир томонга, кўча иккинчи томонга тортади. Бундай пайтда оиланинг қўли устун келиши қийинроқ масала. Чунки ўсмир оила-аъзоларининг айтадиган ҳамма гапларини яхши билади. Кўчада эса, янгиликлар, қизиқ гаплар жуда кўп. Ана энди унга ёрдам керак.

«Оталар китоби»да яна бир қимматли насиҳат келтирилибди: **«Фарзандинг билан бирга китоб ўқи. Фильмлар кўр. Муҳокама қил. Эркин суҳбатлаш. Шунда унинг фикр, ўй, қарашлари, иккиланишлари, орзулари тилидан ташқарига чиқади. Билиб оласан.**

Болангнинг ташқарига чиқишга интилаётган энергиясини тўғри ишлат. Қўшнилар, педагоглар, психологлар билан гаплашиб, ўсмирлар учун қизиқарли ишларни ташкил эт, уюштир!» Бу фикларни шундай давом эттирган бўлардик: **«Фарзандингизга дўст орттиришга ёрдам беринг. Дўстлари ким эканлигини билинг. Ўзингиз ҳам дўст бўлинг!..»**

Педагог-психологларнинг фикрича, фарзанд тарбиясида «дўстлик» тушунчаси муҳим аҳамиятга эга. Боланинг оилада, мактабда, маҳаллада албатта дўстлари бўлиши керак. Чунки **дўстлар — бу йўллардир!**

2 »

Бугуннинг гапи

2008 йилда бошланиб, ҳали-ҳануз давом этаётган жаҳон молиявий инқирози дунё иқтисодиётида қарор топган муносабатларни тубдан кўриб чиқишга сабаб бўлди. Ҳар бир давлат инқироздан чиқиш учун ўз дастурларини ишлаб чиқди ва ҳаётга татбиқ қилди. Мамлакатимизда инқирознинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишларидан бирига айланди.

ПИРОВАРД МАҚСАД – ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШ

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ҳар бир давлат муайян чора-тадбирларни кўришга мажбур бўлади. Иш ўринларини сақлаб қолиш, ички бозорни хорижий рақобатдан ҳимоя қилиш устувор вазифага айланади. Қолаверса, мамлакат хўжалигининг янги тармоқлари қўллаб-қувватланиб, уларга муайян имтиёзлар, переференциялар жорий этилади. Истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш, кредитлашни кенгайтириш, уларга солиқ ва бож имтиёзлари бериш шулар жумласидандир.

Мамлакатимизда бу борада кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Чунончи, истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналарга фойда ҳамда мулк солиғини тўлашда солиқ ва бож имтиёзлари берилди, улар истеъмол товарлари ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган импорт ускуналар, бутловчи бўюмлар ва материаллар учун бож тўловлари тўлашдан озод қилинди. Тежалган маблағлар ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта қуроллантиришга ҳамда модернизация қилишга йўналтирилди. Биргина 2010 йилнинг ўзида корхоналарга 15,9 миллиард сўм миқдорида солиқ имтиёзлари, 25,1 миллиард сўм миқдорида бож имтиёзлари берилди, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш учун технология ускуналари, хомашё ва материаллар сотиб олишга 1 триллион сўмдан кўпроқ кредитлар ажратилди.

Шу ўринда, республикамизда ички бозорни мамлакатда ишлаб чиқарилган товарлар билан тўлдиришга эътибор қаратилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Агар 1990 йилда республикага ғалланинг 82 фоиздан кўпроғи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут маҳсулотларининг 60 фоизи, шакар, телевизор, кир ювиш машиналари, чангютгичлар, енгил автомобилларнинг 100 фоизи четдан келтирилган бўлса, ҳозирги вақтда озиқ-овқат маҳсулотларининг барча асосий ҳамда ноозиқ-овқат товарларининг кўпгина турлари (мебель, гиламлар, енгил автомобиллар) мамлакатда ишлаб чиқарилмоқда. Қолаверса, ички бозорни ўзимизда ишлаб чиқарилган озиқ-овқат товарлари билан бойитиш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий технология билан жиҳозланган корхоналарни жадал барпо этиш борасида тизимли чора-тадбирлар амалга оширилгани натижасида озиқ-овқат хавфсизлиги ва аҳолининг мазкур турдаги маҳсулотларга бўлган эҳтиёжи тўла таъминланди.

Хулоса шуки, мамлакатимизда ички бозорни ҳимоялаш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар иқтисодиётда янги ишлаб чиқариш тармоқларини шакллантириш ва ривожлантириш учун қулай шароит яратмоқда. Шунингдек, ишлаб чиқарувчиларни, ички бозорни хорижий рақобатдан ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтириб, янги иш ўринлари яратиш ва маҳсулотлар сифатини яхшилашга хизмат қилмоқда.

Сирожиддин ЭШМАТОВ,
тадқиқотчи

Асрларнинг олмос жилолари

(Боши 1-бетда.)

Бу олтин асрларнинг Тўмарис момомиз, Термизий бобомиз замонларидан келган олмос садолари эди. Илк фестивалга наинки Қарши ва Қамаши, Шаҳрисабз ва Китоб, Косон ва Касби, Чироқчи ва Яккабоғ, Тахтиқорача довони орқали Самарқанд, Деҳқонобод довони орқали Сурхон аҳли, балки пойтахт Тошкент, Қорақалпоқ ва Хоразм, олтин водий ҳамда Бухоро, бошқа вилоятлардан, олис ва яқин хориждан меҳмону мезбонлар, деярли 30 минг одам келишди. 4 май куни фестиваль буюк Амир Темур ҳазратларининг киндик қони тўкилган қадимий Кеш тупроғида, яъни Жаҳон маданий мероси рўйхатига (2002 йил декабрдан эътиборан) киритилган Шаҳрисабзда давом этди. Меҳмонлар бир пайтлари испан элчиси Клавихо қойил қолиб ўз мемуарларига киритган ажойиб обидалар — Оқсарой ва Дор ус-сиёдат мажмуасини томоша қилдилар. Дор ут-тиловат мажмуаси, Кўк Гумбаз ва ҳазрати Имом масжидлари, Шамсуддин Кулол мақбараси ҳам фестиваль иштирокчиларида ўчмас таассурот қолдирди. Айниқса, мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган хушовоз бахши ва жировлар қатори Шаҳрисабз достончилик мактаби вакилларининг чиқишлари фестивалга зеб берди. Хулласи калом, бу қалдирғоч фестиваль Ўзбекистон маданияти солномасида янги, сўнмас саҳифани очиб берди.

— Қайнарбулоққа бориб биринчи «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивалида иштирок этган кунимни бир умр унутмасам керак, — дейди Хонқа туман «Жайхун» қўғирчоқ театри бадиий раҳбари Мансурбек Қурёзов. — Қодир Аллоҳ кўнглимга ихлос учқунини солиб мен Хоразмда қўғирчоқсозлик мактабини яратдим. Бунгача битта Хоразм эмас, бутун юртимизда бухоролик бетакрор уста Ҳамро ая Раҳимова (ҳозир унинг ишини фарзанди Кубаро ая давом эттирмоқда) мактабидан бошқа бундай маскан йўқ эди. Биз ишлаган қўғирчоқлар юзасидан бир қанча илмий ишлар ёзилган. Уларни кўплаб тадбирларда намойиш этганмиз.

Аммо ўз ижодимизни бирданига бир неча минглаб одамларга, «Асрлар садоси» фестивалининг кўп сонли иштирокчиларига намойиш этишни тасаввур қилиб кўринг. Мен ўшанда қаттиқ ҳаяжонлангандим. Сабаби биз қўғирчоқни яратибгина қолмасдан, унга саҳнада «жон» киритамиз. Ўз намойишим билан Тошкент вилоятида ўтказилган II «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивалида ҳам қатнашганимдан фахрланиб юраман!

Дарвоқе, 2009 йилнинг 1 май куни «Асрлар садоси» фестивали Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги тантаналари доирасида мамлакат марказида ўз ишини бошлади. Тадбир Тошкентдаги Ёшлар ижодиёти марказида академик Э.Ртвеладзенинг юртимиз археологиясига оид китоби тақдимотидан дебоча олди. Бу бежиз эмас эди, албатта. Зеро, фестиваль эртасига 2 май куни Оққўрғон тумани ҳудудида, давлатчилигимиз тарихининг муҳим босқичларига дахлдор бўлган Қанғха ва Шоҳруҳия қалъалари ёнида ўз ишини давом эттирди. Сўнгра улкан анжуман ўз чодирларини Бўстонлиқ мавзесига, қорли тоғлар ёнбағридаги яшил ўрмонлар, зилол булоқлар масканига, тоза ҳаволи боғларга тикди. Икки кун давом этган байрам 15 минг кишига маънавий озуқа, эстетик завқ улашди.

— Иккинчи фестиваль иштирокчилари, меҳмонлари олдида халқимизнинг мумтоз қўшиқларини куйлаш бахтига муяссар бўлдим, — дейди Ўзбекистон халқ артисти, «Буюк хизматлари учун» ордени соҳибаси Муножотхон Йўлчиева. — Бахтиёрлигим боиси шунда эдики, аввало, куйламоқ саодатини берган озод юрт, иккинчидан, «Мустаҳзод»нинг авж пардаларига чиқаётганимда қаршимда турган тоғлар, адирлар, кўзгудек ялтираб ётган сувлар гўзал эди. Энг асосийси эса, қўшиғимни тинглаётган, ундан баҳра олаётган, шу йўл билан яшашга иштиёқи ошаётган одамлар, уларнинг қалби гўзал эди. Биз санъаткорлар барча эзгу касбларнинг эгалари қатори халқимизнинг хизматидамиз. Мана, бешинчи фестивалда ҳайъат аъзоси сифатида қатнашаман. Бу менга катта масъулият юклайди. Очиғини айтсам, бир неча ой олдин Элликқалъада бўлиб, Отажон Худойшукуров номидаги ёш хонандалар республика танловида иштирок этган, анъанавий ижрочилик йўналишини баҳолаб борган эдим. Бу шу номдаги еттинчи танлов. Истиқлолнинг олтин эшиклари бўлмаганида бундай тадбирларни ўтказиш мумкинмиди? Йўқ. «Асрлар садоси» фестивали ҳам мамлакатимизнинг маънавий қудратини баралла кўзкўз қиляпти. Бешинчи фестивалда янги-янги истеъдодлар, овозлар кашф этилади.

Муножотхон ҳақ. 2010 йилнинг 8-9 май кунлари «Шарқ гавҳари» деб ном олган музей-шаҳар — Хивада бўлиб ўтган III «Асрлар садоси» маданият фестивали айнан янги қирралари билан алоҳида файзу барокотга эга бўлди. Халқ даҳоси билан бунёд этилган, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Феруз, Аваз Ўтар каби буюкларга олтин бешик бўлган, Махтумқули, Ажиниёз каби улуғларга таълим берган Ичонқалъада фестиваль 20 минг нафар томошабинни тўплади. Муҳтарам Юртбошимиз раҳнамолигида минг йилдан сўнг қайта тикланган Хоразм Маъмун академиясида хаттотлик санъати бўйича симпозиум ўтказилса, Тошҳовли саройида миллий либослар намойиши, Муҳаммад Раҳимхон мадрасаси олдида мақом кечаси уюштирилди. Бу гал ҳам халқ оғзаки ижодига алоҳида ахамият берилди.

— Мусиқа ва ижрочилик назарияси билан профессионал савияда шуғулланиб юрган мутахассис сифатида қайд қилишим керакки, «Асрлар садоси» фестивали халқимиз минг йиллар давомида мисқоллаб яратган халқ достонларини жавоҳирдек сайқалламоқда, — дейди Қорақалпоғистон Бастакорлар уюшмаси раиси, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Нажимаддин Муҳаммадинов. — Биз илк қорақалпоқ операси — «Ажиниёз»ни, тўнғич балетимиз — «Гулойим»ни яратдик. Бироқ, биринчи навбатда, бизга «Алпомиш», «Қирққиз», «Шаҳриёр» азиз. Хива фестивалида Хоразм достончилик мактабининг Суёв бахши, Матназар бахши, Хўжаёз бахши, Бола бахши, Аҳмад бахши мотивлари устунлик қилди. Қорақалпоғистонимизда ўтказилаётган бешинчи фестивалда фольклор ижрочиларининг икки йўналиши бўртиб туриши аниқ. Бизда қўбиз билан достон айтган Жиян, Жиемурат, Халмурат, Қуламет, Нурабулла, Ўғуз (Хўжаназар), Есемурат, Қиёс жировлар мактаби, дуторда достон айтган Ақимбет, Муса, Шерназар, Жўман, Ешчан, Жапақ ва бошқа бахшилар мактаби бор. Фестиваль шу икки йўналишда ҳам янги истеъдодларни аниқлаб беради, рағбатлантиради.

Бешинчи фестиваль учун айнан Тупроққалъа танлангани мени жуда қувонтирди. Сабаби, бу қўрғон биз — мусиқачилар учун муқаддас маскан. Ундаги уч қаватли саройдан арфа чалаётган аёл тасвири топилди. Менимча, олтин соз чалган Бобо Қамбар ҳам ўз тулпорини шу ерда боққан бўлса керак. Эрта-индин бу ерда юзлаб созлар янграйди, ўнлаб тулпорлар пойгага тушади. Демак, оққан дарё қайта мавж урмоқда!

«Асрлар садоси»нинг ўзига хос жиҳати шундан иборатки, ҳар гал унга янги олмос жилолар қўшиб борилмоқда. 2011 йилнинг 30 апрель — 1 май кунлари Бухорода бўлиб ўтган IV фестивалда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» яна бир хайрли ишни қўллаб-қувватлади. Маълумки, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Қўқон, Шаҳрисабз ва бошқа шаҳарларимиздаги қадимий биноларнинг пештоқлари, гумбазлари, кошинлари ва бошқа жойларига минглаб байт табаррук ёзувлар битилган. Фестиваль айнан шу йўналишда танлов эълон қилиб, 50 нафар эски ёзувлар билимдонларига диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди. Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, ўша куни археологларимиз Тоқи Телпак ёдгорлиги ҳудудидан янги осори-атиқа топдилар.

— Мен ўтган тўртта фестивалда иштирок этдим, — дейди Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Акбар Раҳимов. — Бухоро фестивалида барча йўналишлар қатори тасвирий санъат, ҳайкалтарошлик борасида ҳам эсда қоларли лаҳзалар кўп бўлди. Нодир Девонбеги хонақоҳи олдида жуда кўп тасвирий санъат мухлислари тўпланишди. Бу ерда япониялик ажойиб истеъдод соҳиби Коичи Хонданинг вернисажи очилди. Вернисаж ҳамюртларимизда ҳам, хорижлик меҳмонларда ҳам катта қизиқиш уйғотди. Киночилар машварати ўтказилди. Бешинчи фестиваль бундан мустасно бўлмайди. Мусиқа, қўшиқ, рақс, фольклор-этнографик ижролар, халқ ўйинлари, кўргазмалар, танловлар, барчабарчаси бир мақсадга — миллий ғоямизни мустаҳкамлашга, комил инсонни, баркамол авлодни тарбиялашга хизмат қилади.

"Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали бу гал ҳам ҳар қачонгидек юксак савияда ўтишига ишончимиз комил. Қайд қилинганидек, фестиваль халқ анъаналари ва урф-одатлари, мамлакатимиз амалий санъати, халқ оғзаки ва маънавий меросининг ноёб қирраларини очиб беради. Шу боис, унда иштирок этишга аҳд этганлар сони йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўтган 4 йил мобайнида фестивалда 95 минг нафарга яқин мезбон ва меҳмонлар қатнашган бўлса, Нукусда, жаҳонга машҳур Савицкий номидаги санъат музейи ва Элликқалъа туманидаги ЮНЕСКОнинг жаҳон маданияти ёдгорликлари рўйхатига киритилган Тупроққалъа ёдгорлиги ёнида бир неча ўн минг томошабиннинг тўпланиши кўзда тутилган.

— Фестиваль учун Нукус шаҳри ва Тупроққалъа ёдгорлиги танлангани бежиз эмас, — дейди Ўзбекистон Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими раиси, Олий Мажлис Сенати аъзоси Нағмет Айимбетов. — Аввалambор, мустақиллик шарофати билан Нукус гуллаб-яшнади, экотуризмнинг йирик нуқтасига айланди. Унда «сахродаги иккинчи Лувр» деб номланган ажойиб маскан — И.Савицкий номидаги Қорақалпоғистон давлат санъат музейи бор. Экспонатларининг бойлиги, айниқса, йигирманчи аср тасвирий санъатининг энг ноёб намуналари бўйича Марказий Осиёда унга тенг келадиган музей йўқ. Қолаверса, яна бир қувончли жиҳати шундан иборатки, бизда ўтадиган фестивалдан сал олдин, аниқроғи, 2012 йилнинг 19 апрелида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси Франциянинг жаҳонга машҳур Лувр музейи билан меморандум имзолади. Тупроққалъа эса қадимги Хоразм тамаддунининг асосини ташкил этган меъморчилик, тасвирий санъат, мусиқа, нумизматика, ёзув ва бошқа белгилари билан жаҳон археологиясининг бармоқ билан санарли дурдоналаридан бири ҳисобланади. Фестиваль жараёнида Қорақалпоғистон археологияси билан боғлиқ маҳорат дарсларида Тупроққалъа, Қаватқалъа, Қизилқалъа, Аёзқалъадан ташқари Ёнбошқалъа, Миздахкон, Кердер, Айбуйир ва бошқа қадимий қўрғонлар тарихи билан ҳам танишилади. Хулоса қилиб айтганда, «Асрлар садоси» ўтмиш билан бугунги кунни порлоқ келажагимиз билан боғлайдиган маънавий кўприк вазифасини ўтайди!

Таъкидланганидек, Қорақалпоғистон катта ўзгаришлар остонасида турибди. Фестиваль доирасида ўтказиладиган "Оролбўйи: ҳудуд ривожланишининг тарихий, экологик ва ижтимоий жиҳатлари" мавзуидаги давра суҳбати замонавий экологик шароитларда воҳада ҳаёт тарзини янада яхшилаш масалаларига бағишланади. Мазкур давра суҳбатида ҳудуднинг бир маромда ривожланиши учун оригинал инновацион лойиҳалар туркуми тақдим этилади. Икки кун мобайнида анъанага кўра, фольклор жамоалари танловлари, миллий либослар фестивали, анъанавий халқ ўйинлари, улоқ-кўпкари, миллий кураш беллашувлари, дорбозлар чиқиши, ошпазлар беллашуви бўлиб ўтади. Фестивалда, шунингдек, халқ амалий санъати кўргазма-ярмаркаси ўтказилиб, унда кулолчилик, кандакорлик, каштадўзлик, миниатюра, тўқимачилик, ёғоч ўймакорлиги усталари ўз маҳоратларини намойиш этишади. Катта гала-концерт ва ғолибларни тақдирлаш тантанаси билан фестиваль ўз ниҳоясига етади.

Муҳтарам Президентимиз Ислом Каримов 1996 йилнинг 24 апрелида, ЮНЕСКОнинг Париждаги қароргоҳида сўзга чиққанида «Меъморчилик ёдгорликлари, қадимги қўлёзмалар, халқ усталари ясаган буюмлар асрлар оша улуғворлиги ва бадиий шаклларининг пухталиги билан, фикр ва ижод теранлиги, маънавий софлиги билан завқ бағишлаши»ни алоҳида таъкидлаган эди. V «Асрлар садоси» анъанавий маданият фестивали ҳам Ўзбекистон дея аталган мустаҳкам оила, ҳамжиҳат хонадон, озод ва обод юртнинг равнақига, унинг ойдин истиқболига, жаҳон ҳамжамиятидаги бўй-бастининг янада улуғворлашишига беминнат хизмат қилади. Бунга шак-шубҳа йўқ.

Янгибой ҚЎЧҚОРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган журналист

ФАРЗАНДИНГИЗНИНГ ДЎСТИ КИМ?!

(Боши 1-бетда.)

Келинг, фикрни исботлашга уринайлик. Дўстларим ҳақидаги маълумотлар билан ўртоқлашсак.

Исломбек Кутфитдинов — энг яқин дўстим. 2011 йилда Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти (ҳозирги Наманган муҳандислик-технология институти)ни тамомлаб, «Водий ёғоч савдо» хусусий корхонаси таркибида ўзининг бизнес лойиҳаси, ташаббуси билан трикотаж маҳсулотларини тайёрлаб, экспорт қилишни йўлга қўйди. Ёш бўлишига қарамай, ҳозир у ўша корхонада раҳбарлик қилмоқда. Талабалик даврида «Ёш тадбиркор — юртга мададкор» республика танловида ғолиб бўлган.

Нозима Рўзиматова — «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят Кенгаши «Ёшлар қаноти» етакчиси. 2010 йили партиянинг Марказий Кенгаши томонидан республикамиздаги энг доно, ташаббускор «Ёшлар қаноти» етакчиси деб топилди. Конституциямизнинг 19 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида ўтказилган тантанали маросимга вилоятимиз фаоллари қаторида таклиф этилди. Унинг орзуси — депутат бўлиш.

Гулноза Холдорова — Наманган давлат университети қошидаги 2-академик лицейда ўзбек тили ва адабиёти фанидан дарс беради. Ўқитувчилик фаолиятини яқинда бошлаганига қарамасдан, қисқа вақт ичида лицей раҳбарияти, педагоглар жамоаси, ўқувчилар ҳурмати ва меҳрини қозонди. Унинг бадиий таржималари талабалик давридаёқ китоб ҳолида чоп этилган ва ижодий ютуқлари эътироф этилиб, «Камолот» ЁИҲ стипендияси соҳиби бўлган. У ўтган йили Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси томонидан ўтказилган «Ёш таржимонлар» семинарида ҳам таржимон, ҳам ёш адабиётшунос сифатида иштирок этди.

Муроджон Тошбоев — НамДУ битирувчиси, ёш рассом ва иқтидорли наққош. Бежирим буюмлар ясаб, уларга нақш чизади. 2011 йил декабрь ойида Тошкентда бўлиб ўтган «Келажак овози» танловининг республика босқичида муносиб иштирок этди. Унинг ишлари таниқли рассом, наққош ва дизайнерлар томонидан юқори баҳоланди.

Орифжон Эргашев — Тошкент давлат консерваториясида ўқийди. Мақом қўшиқларини маромига етказиб куйлайди. Ўтган йили «Тараннум» кўрсатувида иштирок этди, «Шарқ тароналари» VIII Халқаро мусиқа фестивалининг очилиш маросимида мумтоз қўшиқлардан бирини куйлади.

Хушхабар: юқорида исми шарифлари қайд этилган дўстларимдан бири — **Исломбек Кутфитдинов** 29-30 март кунлари Тошкентда Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус» танловининг республика босқичида муваффақиятли қатнашиб, «Энг яхши ёш тадбиркор» номинацияси ғолиби бўлди! Кўплаб қимматбаҳо совғалар билан қайтган Исломбек БМТ Тараққиёт Дастурининг хорижда бир ойлик малака ошириш курсида иштирок этиш учун имтиёзли сертификатини ҳам қўлга киритди. У миннатдор оҳангда шундай дейди: «Ишлаб чиқараётган ўндан ортиқ турдаги трикотаж маҳсулотларимиз сифатини ошириб, «Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган» ёрлиғи остидаги энг рақобатбардош моллар билан мамлакатимиз иқтисодиётининг тараққий этишига баҳоли қудрат ҳисса қўшиш учун тинмай изланишга тайёрман». Тўғриси, ҳайрат ва ҳавасимизни яширмадик. Руҳландик, фахрландик, унга омад тиладик...

Мен дўстларим билан фахрланаман. Улар билан учрашганимда, гаплашганимда иқтисод, сиёсат, адабиёт, санъат, одоб-ахлоқ ҳақида суҳбатлашамиз. Шунда ўзимга бир олам руҳ, куч-қувват, шижоат ва ғайрат оламан. Ўзимни муносиб ишлар қилишга тайёрлайман. Улардан миннатдорман!..

Нокамтарлик деманг, мен ўзим 2011 йилда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг «Дўрмон» ижод уйида Мустақиллигимизнинг 20 йиллиги муносабати билан ташкил этилган ўқув-семинарда иштирок этдим. Эл ардоқлаган шоир ва ёзувчилар суҳбатида бўлдик. Ўтган йил ноябрь ойида эса вилоятлардаги «Ёш журналистларнинг республика етакчи тахририятлари, марказий нашрларда малакасини ошириш» лойиҳаси доирасида пойтахтда ўтказилган семинарда қатнашдим. Таниқли журналистлар билан учрашдик. Мақолаларим уларнинг эътирофига сазовор бўлди. Республика нашрларида эълон қилинган мақолаларим чоп этилиши режалаштирилаётган ёш ижодкорлар тўпламига киритиш учун тавсия этилди. Декабрь ойида эса «Келажак овози» танловининг республика босқичида «Бадиий ижод ва публицистика» йўналишида юздан ортиқ мақолаларим билан иштирок этдим...

Бу ютуқлар замирида устозларим, яқинларим ва, албатта, дўстларимнинг ҳиссаси ётибди. Буни мана шундай ифодаласа бўлади: ***Дўстларимнинг ютуқлари — менинг ютуғим. Менинг ютуқларим эса уларнинг ютуқларидир.***

Энди айтинг-чи, агар дўстларим шундай ютуқларга эришишмаганида мени ҳам интилишга ундашармиди?! Демак, бежизга айтишмаган: «Дўстинг кимлигини айт — мен сенинг кимлигингни ва қандай инсон эканлигингни айтаман!» деб.

Орифжон ЖЎРАЕВ,
Наманган давлат университети талабаси

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги

Ўзимиз ва ўзгалар ҳаётига барчамиз масъул

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мамлакатимиз ҳудудида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини камайтириш, ҳаракат иштирокчилари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида шу йил 19 апрель куни ўзининг 264-ф-сонли фармойишини чиқарди. Ушбу фармойишга кўра, 1 майдан 31 майга қадар мамлакатимиз ҳудудида Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ўтказилади.

Биз ойлик доирасида амалга ошириладиган ишлар хусусида ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси матбуот хизмати бошлиғи, подполковник Анвархўжа СУЛАЙМОНХЎЖАЕВ билан суҳбатлашдик.



— Анвархўжа Самиғович, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида соҳа ходимлари томонидан қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бош бошқармамиз томонидан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича муайян тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси фармойишига асосан республикамиз ҳудудида ҳар йили мунтазам равишда ўтказиб келинаётган Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги ҳам шулар жумласидандир. Олиб борилаётган ишлар самарадорлигини ошириш, пиёдалар, хусусан, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш борасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш, транспорт воситаларининг техник тайёргарлигини яхшилаш ҳамда ушбу масалаларга кенг жамоатчилик эътиборини қаратиш мазкур ойликнинг асосий вазифалари этиб белгиланган.

Албатта, бу каби тадбирлар фақат ойлик доирасидагина эмас, балки йил давомида амалга оширилади. Бунинг натижасида йўл-транспорт ҳодисалари, қоидабузарликлар сони йил сайин камайиб бормоқда. Аммо, йўлларимизда битта бўлсада, йўл-транспорт ҳодисаси содир этилар ва бундан фуқароларимиз азият чекар экан, мазкур йўналишдаги саъй-ҳаракатларни асло сусайтириб бўлмайди. Шу боис, одамлар онгида йўл ҳаракати қоидаларини пухта ўргатиш ва уларга қатъий риоя қилиш заруриятини шакллантириш даркор. Ҳар бир инсон йўл ҳаракати иштирокчисига айланар экан, у ҳайдовчи, йўловчи ёки пиёда бўлишидан қатъи назар, ўзининг ва атрофидагиларнинг хавфсизлигини таъминлашга масъул эканлигини англаши зарур.

— Йўл-транспорт ҳодисалари кўпроқ қандай сабабларга кўра содир бўлади?

— Ушбу нохуш воқеаларнинг келиб чиқишига асосан белгиланган тезликни ошириш, светофорнинг қизил ишорасига амал қилмаслик, транспорт воситасини маст ҳолда бошқариш, транспорт воситаларининг техник носозлиги, болаларни беэътибор қолдириш, йўлларнинг қатнов қисмидаги лоқайдлик, эътиборсизлик каби йўл ҳаракатидаги қоидабузарликлар сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, ЙТҲнинг содир бўлишининг асосий сабабларидан яна бири — маҳаллий ҳокимият, корхона, ташкилот, муассаса, хўжалик раҳбарларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ишларига етарлича эътибор қаратмаётганидир.

— Юқорида айтиб ўтганингиз қоидабузарликларни аниқлаш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш борасида қандай чора-тадбирлар кўриляпти?

— Йўлларда содир этилаётган қоидабузарликларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларни жадаллаштириш мақсадида ДЙҲҲХ ходимлари томонидан махсус рейдлар, текширувлар ўтказиб келинмоқда. Жорий йилнинг уч ойи давомида ходимларимиз томонидан 763 минг 943 та қоидабузарлик аниқланди. Улардан 329 минг 273 таси кўпол қоидабузарликдир. Жумладан, 10 минг 978 та ҳолатда ҳайдовчилар автомобилни маст ҳолда бошқарган. 16 минг 485 та ҳолатда эса пиёдалар томонидан қоидабузарликлар содир этилган. Ушбу рақамлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди, албатта.

Статистик маълумотлар шуни кўрсатадики, Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давомида қоидабузарлик ва ЙТҲлар сони кескин камаяди. Шунинг учун ҳам ойлик давомида кенг жамоатчилик эътиборини мазкур муаммога қаратиш мақсадга мувофиқ бўлади.

— Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давомида қандай ишларни амалга ошириш режалаштирилган?

— Вазирлар Маҳкамасининг фармойишида барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар раҳбарлари зиммасига ойлик давомида эътибор қаратиши лозим бўлган тегишли вазифалар юклатилган. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва ҳар бир вилоят, шаҳар ҳокимликлари қошидаги ҳаракат хавфсизлиги комиссиялари тегишли ҳудудларда йўллардаги ҳолатни назорат қилиш, аҳоли ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқиб, муайян ишларни амалга оширишади. Жумладан, марказий ва маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали мунтазам чиқишлар ташкил этиш, ойлик тўғрисида реклама, эълонлар, турли кўринишдаги йўл ҳаракати қоидаларини тарғиб қилувчи панно, шиор, видеороликлар тайёрланиб, намойиш қилиш режалаштирилган. Маҳалла, ўқув муассасалари ва ташкилотларда суҳбатлар, ўқув семинарлари ташкиллаштирилади.

Йўл ҳаракати қоидаларига риоя этилишини ўрганиш ва назорат қилиш мақсадида автокорхоналарнинг ҳаракат хавфсизлиги муҳандислари, халқ посбонлари, тиббиёт ходимлари, оммавий ахборот воситалари вакилларидан иборат махсус гуруҳлар тузилиб, рейдлар ўтказилади ва уларнинг натижалари матбуот нашрларида, радио ва телевидение орқали эълон қилинади. Йўллар, пиёдалар йўлакчалари, ер ости ўтиш жойлари, йўл белгилари, светофорларнинг мавжудлиги ҳамда ҳолатини текшириш, зарур бўлса, уларни қуриш, ўрнатиш ва чизиш, эскиларини янгилаш юзасидан маҳаллий ҳокимликларга тақдимномалар киритилади.

Ҳаракат иштирокчилари йўлларимизда содир бўлаётган нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш, инсонлар ҳаётини сақлаб қолиш фақатгина ЙҲҲХ ходимларининг вазифаси, деб билмасликларини истардим. Чунки ҳар биримиз, аввало, ўз ҳаётимиз ва қолаверса, ўзгалар ҳаёти хавфсизлигига масъулмиз.

Мансуржон РИХСИЕВ суҳбатлашди.

Солиқ

Замонга ҳамнафас фаолият

Ҳозирги кунда мамлакатимизда ахборот-коммуникация технологияларини бошқарув органлари ва иқтисодиётнинг барча соҳаларига жадал татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига кўра республика солиқ тизимида ўн олти турдаги интерактив хизматлар йўлга қўйилди.

Айни пайтда «Электрон солиқ ҳисоботини қабул қилиш ва қайта ишлаш, электрон солиқ ҳисоботини жўнатиш» интерактив хизматидан энг кўп фойдаланиб келинмоқда. Бинобарин, ундан фойдаланиш учун солиқ тўловчиларга кўплаб қулайликлар яратилди. Жумладан, ҳисоботларни электрон кўринишда автоном режимда шакллантириш имкониятини берувчи модул жорий қилиниб, уни тақдим этиш учун барча давлат солиқ инспекцияларида терминаллар ташкил этилди. Шунингдек, ҳисоботларни электрон кўринишда жўнатишнинг барча сир-асрорларини ўзлаштириш учун Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайтига унинг йўриқномаси жойлаштирилди, солиқ тўловчилар ўртасида мунтазам равишда семинар ва ўқув машғулотлари ўтказиб келинмоқда.

Бундан ташқари, электрон рақамли имзога эга солиқ тўловчилар учун ДСҚнинг расмий сайти орқали имконият ва қулайликлар янада кенгайтирилиб, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар тўғрисида маълумот олиш ва солиштирма далолатномасини шакллантириш, улар асосида солиқ тўловларини тўлаш учун тўлов топшириқномаларини шакллантириш ва чоп этиш бўйича қўшимча интерактив хизмат турлари жорий этилди.

Айтиш керакки, интерактив хизматлар афзалликларидан хабардор бўлган солиқ тўловчилар ҳисоботларни айнан электрон кўринишда тақдим этишга ўтмоқдалар. «Электрон солиқ ҳисоботини қабул қилиш ва қайта ишлаш, электрон солиқ ҳисоботини жўнатиш» интерактив хизматидан фойдаланувчиларнинг сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3,6 бараварга ошгани фикримизни исботлайди.

Асқар АЛИЕВ,
Республика Давлат солиқ қўмитаси бош бошқармаси бошлиғи

Интерактив хизмат қулайлиги нимада?

Интерактив хизматларнинг энг асосий афзалликларидан бири бу — аҳоли, солиқ тўловчининг солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга дахлдор масалаларни ҳал этишга кетадиган вақтини, маблағини тежайди. Шунингдек, солиқ тўловчиларга кўрсатилаётган сифатини ошириш ва керакли ахборотлар билан тезкор таъминлашга хизмат қилади.



«Фуқароларнинг мурожаатлари» интерактив хизмати жисмоний ва юридик шахсларни давлат солиқ хизмати органларига мурожаатларини жўнатиш учун мўлжалланган. Мазкур хизмат ёрдамида юборилган мурожаат солиқ органлари томонидан расмий деб қабул қилинади ва белгиланган тартибда кўриб чиқилади. Фуқароларга, шунингдек, электрон рақамли имзо билан тасдиқланмаган ҳолда савол бериш имконияти тақдим этилади, жавоблар эса маслаҳат шаклида берилади.

«СМС-тўлов» хизмати эса жисмоний шахслар учун қатор қулайликларга эга. Хусусан, уяли телефоннинг исталган модели ёки интернет орқали солиқлар бўйича тезкор нақдсиз тўловларни кечаю кундуз амалга ошириш мумкин. Тизимга уланиш учун республиканинг исталган тижорат банкида депозит ҳисоб рақами ёки пластик карточкасига эга бўлиш, шу билан бирга, банк билан «SMS-to'lov» тизимига уланиш тўғрисида келишувни имзолаш етарли.

Барча интерфаол хизматлар Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий web-сайти — www.soliq.uz орқали бепул кўрсатилади.

Улуғбек ЮНУСОВ,
Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси Ахборот тизимлари бўлими бошлиғи

Таълим масканларида

«Давр болалари»нинг ибрати

Жорий йилнинг февраль ойида Юртбошимиз ташаббуси билан пойтахтимизда «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш — мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизация қилишнинг энг муҳим шарти» мавзусидаги халқаро конференция кўтаринкилик билан ўтганидан хабарингиз бор. Анжуманга хорижий давлатлардан ташриф буюрган олимлар, мутахассислар ва тизим раҳбарлари ўнлаб таълим масканларида бўлиб, мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини юқори даражада эътироф этишди.

Ўшанда хорижлик меҳмонлардан бир гуруҳи пойтахтнинг Олмазор туманидаги «Давр болалари» номли мактабгача таълим муассасасига ҳам ташриф буюриб, бу ердаги мавжуд шарт-шароитлар, ходимларнинг иш услуби билан яқиндан танишган эди. Қувонарлиси, мактабгача таълим муассасаси фаолияти меҳмонларда илиқ таассурот қолдирди. Хорижлик мутахассислар интерактив усуллардан кенг фойдаланаётган муассаса ходимлари фаолиятига юксак баҳо бердилар.

Айни пайтда мазкур даргоҳда 250 нафардан ортиқ жажжи ўғил-қизлар замонавий технологиялар асосида таълим-тарбия олмоқда. Уларга 18 нафар малакали педагог ўзбек ва рус тилларида бошланғич таълимдан сабоқ беришади. «Инглиз тили», «Бадиий гимнастика» ва «Рангли қўлчалар» каби тўгараклар ташкил этилган бўлиб, улар болажонларнинг бадиий-эстетик савияси ва фикрлаш доираси ўсишига хизмат қилаётир.

— Бизда ёз ойларида «Қум» муолажа майдончаси иш бошлайди, — дейди муассаса раҳбари Шаҳло Валиева. — Болажонлар қум ва майда тош бўлакчаларидан иборат йўлакчаларда соғломлаштирилади. Бу пайтда улар ўз тасаввурларидаги тасвирларни қумдан фойдаланиб ифода этишади. Бундан ташқари, бир гуруҳ болалар бадиий гимнастика билан шуғулланади. Бунинг учун барча шароитлар муҳайё этилган.

Мактабгача таълим масканида болажонларнинг ҳаракат фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, ўзбек халқ миллий ўйинларидан «Оқтеракми, кўктерак?», «Беш тош», «Хўрозлар жанги», «Жанбалак хола», «Тортишмачоқ» каби миллий ўйинлар болаларни жисмоний фаол бўлишга қўниктиради. Қолаверса, уларни қадриятларни асраб-авайлашга ҳам ўргатилади.

Тарбия масканидаги кўргазмали жиҳозлар болаларнинг руҳиятидан келиб чиқиб ташкил этилгани диққатга сазовор. «Меҳмон-меҳмон», «Қўғирчоқ театри», «Дўкон», «Сартарошхона», «Эртаклар олами» сингари бурчаклар ҳам мавжудки, улар жажжи қалбларда санъатга, она табиатга, меҳр уйғотади. Дарвоқе, болаларнинг жонли табиатга бўлган муносабати хусусида гап кетганда, уларнинг жониворларга, хусусан, уй жонзотларига муҳаббати ўзгача бўлишини таъкидлаш керак. Буни болажонларнинг завқ-шавқ билан чизган расмлардаги ифодасидан ҳам билиб олса бўлади. Биз муассасада бўлганимизда болакайлар пластилиндан уй ҳайвонлари шаклини ясашаётган экан. Қизиқсиниб, савол-жавоб қилдик:

— Исминг нима?

— Мирҳаёт...

— Мирҳаёт, нима қилаяпсан?

— Пластилиндан кучукча ясаяпман!

— Кучукчани кўрганмисан?

— Ҳа, мултьфильмда кўрганман. Уйимизда ҳам бўлишини хоҳлардим...

Болаларнинг қувноқ қийқириғи, завқу шавқига тўлган мазкур даргоҳдан қайтарканмиз, ён-атрофга болаларча ҳайрат билан назар ташлаймиз. Ариқчалар тозаланиб, дарахтларга шакл берилган, баҳорги ободонлаштириш ишлари авжида. Бу маскандан бизнинг ҳам кўнглимиз тўлиб чиқди. «Давр болалари» мактабгача таълим муассасасида мамлакатимиздаги турдош масканларга ибрат бўлгулик жиҳатлар кўп экан.

Илҳом КАРОМОВ

Қарор ижроси йўлида

Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш, йўловчилар хавфсизлигини таъминлаш ва бу борадаги хизматлар сифатини яхшилаш ҳозирги куннинг долзарб масалаларидан бири экани ҳеч кимга сир эмас. Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги "Йўналишсиз таксилар фаолиятини тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори айни шу мақсадга хизмат қилиши шубҳасиз.

Қарорга асосан "Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйиладиган талаблар тўғрисида"ги Низом тасдиқланди. Ушбу низом жорий йилнинг 1 январидан бошлаб республикамиз ҳудудида йўналишсиз таксиларнинг ташқи кўриниши, ички маълумотлар билан жиҳозланишига, шунингдек, уларнинг ҳайдовчиларига нисбатан ягона талабларни белгилайди. Шунга кўра, барча таксилар махсус сериядаги давлат рақам белгисига эга бўлиши, автомобилнинг тепа қисмида тўқ сариқ рангли фонарга "TAXI" таниш белгиси ўрнатилиши, олдинги эшикларда шахмат тартибида жойлаштирилган қора квадрат ва "Т" ҳарфларидан иборат бўлган композиция ва юридик шахс ташувчининг номи бўлиши шарт.

Йўналишсиз таксилар вилоятларда сариқ, Тошкент шаҳрида эса фил суяги рангида бўлади. Ҳар бир автомобилда ҳисоблагич (таксометр), радиоалоқа воситалари, белгиланган тартибда давлат солиқ хизмати органида рўйхатдан ўтказилган назорат-касса машинаси, шунингдек, тўловларни банк пластик карталаридан қабул қилиб олиш учун ҳисоб-китоб терминали ўрнатилиши лозим. Олд ойна тепасининг ўнг томонига таксининг банд эмаслигини билдирувчи яшил рангли ёритиш чироғи ўрнатилган бўлиши керак.

Бугунги кунда Вазирлар Маҳкамаси қарорининг бажарилишини таъминлаш ва тадбиркорларга қарор моҳиятини тушунтириш мақсадида вилоят давлат солиқ хизмати органлари томонидан белгиланган тартиб ва нормативҳуқуқий қоидаларга амал қилиниши юзасидан аҳоли ўртасида мунтазам равишда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб бориляпти. Жумладан, семинар йиғилишлари, жойларда учрашувлар ўтказиш билан бирга марказий ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилиняпти.

Шунга қарамай, ўтказилаётган текшириш ва назорат тадбирлари жараёнида айрим фуқаролар томонидан ноқонуний тарзда йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланганлик ҳолатлари аниқланмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида ўтказилган рейд тадбирлари натижасида 570 ҳолатда тегишли ҳужжатларсиз аҳолига йўловчи ташиш хизмати кўрсатиш бўйича ҳуқуқбузариклар аниқланиб, тўпланган ҳужжатлар чора кўриш учун суд органларига юборилди. Натижада 348 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан 167,3 миллион сўм миқдорида маъмурий жарима қўлланилди. Бундан ташқари, 7 нафар шахсга нисбатан йил давомида такрорий равишда ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун жиноий иш қўзғатилди.

Сардор ИСРОИЛОВ,
Ўткир ИБРАГИМОВ,
Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармаси Жисмоний шахсларга солиқ солиш бўлими масъул ходимлари

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмасининг ҳудудий бўлимларида

ОАВ — кенг имконият ва улкан масъулият майдони

Ҳозирги глобаллашув жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамияти, масъулияти ортиб бораяпти. Бинобарин, жамиятда ОАВ ходимлари, журналистлар давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўртасидаги алоқани мустаҳкамловчи асосий бўғин сифатида майдонга чиқар экан, фуқароларни тезкор ва холис ахборот билан таъминлаш матбуотнинг энг устувор ва асосий вазифасига айланмоғи лозим.

Вилоятимиздаги матбуот ва оммавий ахборот воситалари фаолиятига назар ташлайдиган бўлсак, улардаги жадал ривожланишни сезамиз. Воҳада бугунги кунда 24 та босма нашр, 1 та телерадиокомпания самарали фаолият кўрсатмоқда. Оммавий ахборот воситаларининг моддий-техник базаси тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Улар энг замонавий техника воситалари билан жиҳозланган. Вилоят телерадиокомпанияси биноси яқинда тўлиқ таъмирланиб, зарур техника жиҳозлари билан таъминланди. Натижада кўроатувлар сифати тубдан яхшиланди.

Вилоятдаги оммавий ахборот воситалари соҳа ходимларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамиятдаги фаоллигини ошириш, мавқеини кўтариш, ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя этиш Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси вилоят бўлимининг асосий мақсади ҳисобланади. Ижодий уюшмага бугунги кунда вилоятда 200 нафар журналист, матбаачи ва жамоатчи мухбирлар аъзо бўлган. Улар орасида кўплаб ёш ижодкорлар борлиги қувонарли ҳол.

Шу ўринда вилоятимизда миллий журналистика ривожига муносиб ҳисса қўшган, оммавий ахборот воситаларида узоқ йиллар меҳнат қилиб халқимиз орасида эътибор топган устоз журналистлар оз эмаслигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ижодий уюшма томонидан матбуот соҳасига хизмати сингган бу инсонларни қадрлаш, қўллаб-қувватлаш ишларига катта эътибор қаратилган. Жумладан, ўтган йили 42 нафар фахрийларимизга қимматли совға-саломлар берилди. Уларни вақти-вақти билан ёш қаламкашлар даврасига чорлаб устоз-шогирд мақомида суҳбатлар уюштирилди.

Уюшманинг вилоят бўлими томонидан бир неча йилдирки, ОАВ ходимларини соғломлаштириш, мақсадида спартакиадалар, хотира турнирларини ўтказиш анъанага айланган. Таниқли журналист Турғун Жамолов хотирасига бағишлаб ўтказилаётган шахмат бўйича хотира турнири бунга яққол мисолдир. Шунингдек, марҳум журналистлар — Жўра Умарқулов, Абдулазиз Яхшиликовлар хотирасини эъзозлашга қаратилган тадбирлар ҳам эсда қоларли бўлди. Бу каби тадбирлар йил сайин оммалашиб бораяпти.

Вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, Республика Маънавият тарғибот маркази ва Фуқаролик жамияти шакллаништни мониторинг қилиш мустақил институтининг вилоят бўлимлари билан ҳамкорликда ғоявий-сиёсий ишларни жонлантириш мақсадида кўплаб тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепция"сида илгари сурилган мақсад-вазифалар юзасидан кўплаб давра суҳбатлари, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Уларда вилоятнинг илғор журналистлари, ОАВ ходимлари фаол қатнашдилар. Янги қонун лойиҳаларига 40 га яқин қимматли таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

Вилоятда қалам аҳлининг касб маҳоратини ошириш, улар ўртасида соғлом ижодий рақобатни шакллантириш борасида ҳам кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Мана, бир неча йилдирки, вилоят ҳокими фармойиши асосида ижодкорлар ўртасида "Сирдарё зарқалами" танлови анъанавий тарзда ўтказиб келинади. Ушбу танловни ўтказишдан кўзланган мақсад вилоят сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаётини, барча соҳаларда олиб борилаётган кенг ислоҳотлар жараёнини ОАВда атрофлича ёритиш, ижод аҳлини рағбатлантириш, ёшлар орасидан иқтидорларни кашф этиш, маҳаллий журналистларнинг фуқаролик позициясини намоён этиш ҳамда танқидий фикрлашни, ижодий фаолиятга янгича ёндашувни шакллантиришга қаратилган. Олий, ўрта махсус касб-ҳунар таълим муассасалари ва умумтаълим мактаблари ўқувчилари ҳам ўзларининг журналистик ва бадиий ижод намуналари билан "Сирдарё зарқалами", "Камол", "Ниҳол" танловларида иштирок этишмоқда. Шу даврга қадар талаба ва ўқувчилардан 24 нафари "Сирдарё зарқалами"нинг фахрли ўринлари ва рағбатлантирувчи мукофотларига сазовор бўлишди. Шунингдек, журналистларимиз "Йилнинг энг фаол журналисти", "Энг улуғ, энг азиз" каби ижодкорларнинг республика, вилоят танловларида иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келишаётгани журналист меҳнатини қадрлаш бўлса, вилоят қалам аҳли учун фахрдир.

Ёш қаламкашларга эътибор, уларни қўллаб-қувватлаш борасида "Маҳорат мактаби"нинг ўзига хос ўрни бор. Ушбу мактабни ўтган давр давомида 100 нафардан зиёд ёшлар тугалладилар. Уларнинг аксарияти бугунги кунда ОАВда хизмат қилиб, журналистика ривожига ўз ҳиссаларини қўшаяпти. «Маҳорат мактаби» сабаб журналистлар сафини иқтидорли ёшлар билан тўлдиришга катта эътибор қаратилаяпти.

Мамлакатимиз Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги "Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида"ги қарорига асосан солиқ ставкалари пасайтирилди. Бу катта имтиёз, юксак ғамхўрлик вилоятимиздаги барча оммавий ахборот воситалари ходимлари фаолияти самарадорлигига замин яратади. Эндиликда таҳририятлар тежаб қолинган маблағлар ҳисобидан ўзининг ижодий ходимларини ҳар томонлама иқтисодий жиҳатдан ҳимоялаш, иш шароитларини яхшилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш имкониятларига эга бўлдилар.

Мамлакатимизда соҳани ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилаётган бундай хайрли ишлар оммавий ахборот воситалари ходимларининг зиммаларидаги масъулиятини янада ошириши шубҳасиз.

Жумабой ҚОСИМОВ,
Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмаси Сирдарё вилоят бўлими раиси

Публицист ижодхонасида

Инсоннинг ким эканлиги унинг тафаккур доираси, эътиқоди, виждони, бир сўз билан айтганда, ички оламида ҳақиқий ифодасини топади. Шу маънода, ҳаётимизда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар, кўз ўнгимизда амалга оширилаётган ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий янгиланишларга баҳо бераётганда адолат тарозисига қўйиб фикр билдириш инсофдан бўлади. Айниқса, тор доирада фикрламаслик, ҳар бир масалага эл-юрт манфаати юзасидан ёндашиш — виждоний масала.

Асарнинг ютуғи

Инсон оламидек мураккаб, чигал, бир қолипга сиғмайдиган дунё бу заминда топилмайди. Бу олам эгаларининг ўз қонун-қоидалари, ҳаётий тажрибалари, турмушга баҳо беришда ўз тарозилари мавжуд. Бир воқеа-ҳодисага турли нуқтаи назардан ёндашишнинг илдизи ҳам ана шунда. Бу — табиий жараён. Турли-туман фикр эгаларининг қарашларига холисона баҳо бериш, уларни халқимиз манфаати, юртимиз келажаги йўлида бир ўзанга солиб юбориш ҳар кимнинг қўлидан келавермайди. Ана шундай савобли юмушни Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист Шуҳрат Жабборов маҳорат билан уддалабди. Унинг Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйида чоп этилган «Ўзбекистонда ким яхши яшайди» номли китоби бунинг яққол далили.

Китоб мавзулар бўйича олти бўлимга бўлингани, уларда танланган воқеа-ҳодисалар, суҳбатлар, хотиралар қуруқ сўзлар йиғиндиси эмаслиги, ҳар бир фикр жонли мисоллар, статистик ҳаққоний рақамлар ёрдамида исботлаб берилгани ҳақида сўз юритиб ўтириш шарт эмас. Асарнинг энг катта ютуғи — унинг бир бет, ярим бетлик матнларида олам-олам маъно яширинганида. Кўпчилик эътибор бермайдиган ҳаётий воқеаларга ўткир журналистик нигоҳ ташлаш, улардан халқимиз, юртимиз фазилатлари ҳақида умумлашма хулосалар чиқариш муаллиф муваффақиятини таъминлаган.

Китобдан ўрин олган мақола, хотира, суҳбат, сочмаларда халқимизнинг асрлар давомида шаклланиб келган бағрикенглиги, меҳнатсеварлиги, эътиқодда собитлиги билан боғлиқ урф-одат, анъана, қадриятларимиз қаламга олинган. Юртимизда ҳукм сураётган тинчлик, халқимиз турмуш тарзининг кундан-кунга фаровонлашиб бориши, Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида мустаҳкам ўрин эгаллай бошлагани инкор этиб бўлмайдиган мисоллар билан ёритилган.

Китобнинг яна бир аҳамиятли томони ёш ҳамда бўлажак журналистларга фойдали суҳбатлар, фикрлар билан бойитилганида. Матбуотнинг ҳаётимизда тутган ўрни, унинг вазифа-мақсадлари содда, жонли мисоллар билан баён этилгани муаллиф маҳоратидан далолат. Бу бўлимга «Ўхшатиб ёзайлик-да!» деб сарлавҳа қўйилган. Биз унга «Адолат нуқтаи назаридан» деб қўшимча қилгимиз келади. Зеро, китобда юртимиз ҳаётида бўлаётган ўзгаришлар, воқеа-ҳодисалар, турли жараёнларга адолатли назар ташланган.

Ғайрат РАҲМАТУЛЛАЕВ,
журналист

Халқ эркин мулоқот қиладиган нашр — энг яхши газетадир.

Артур МИЛЛЕР,
америкалик ёзувчи

Реклама

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки



миллий валютадаги янги муддатли омонатларни амалга киритганини маълум қилади:

"ЖОЗИБАЛИ"

- сақлаш муддати — 4 ой;
- фоизлар омонат муддати тугагандан сўнг тўланади;
- бошланғич бадал миқдори — 1 000 000 сўм;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 7 июлигача амалга оширилади.

"СЕРДАРОМАД"

- сақлаш муддати омонат очилиш вақтида, мижознинг хоҳишига кўра — 5, 8 ой ёки 1 йил;
- фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмаган ҳолда тўланади;
- бошланғич бадал миқдори — 1 000 000 сўм;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 1 июлигача амалга оширилади.

"ХАЗИНА"

- сақлаш муддати — 5 ой;
- фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугаганидан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализация қилинмаган ҳолда тўланади;
- омонатга қўшимча бадаллар қабул қилинмайди;
- омонатга маблағ қабул қилиш 2012 йилнинг 20 августигача амалга оширилади.

Жамғармаларининг бошқарилишини бизга ишониб топширганлар фаровонлиги учун ўзимизни масъул деб ҳисоблаймиз!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олишингиз мумкин.
www.nbu.com

Дараклар

ИСПАНИЯ БАНКЛАРИНИНГ РЕЙТИНГИ ПАСАЙДИ

«Standard & Poor's» рейтинг агентлиги Испаниядаги 8 та банк рейтингини туширди. Улар орасида BBVA, Santander, Banesto, Banco Sabadell, Banca Civica каби йирик молия муассасалари бор. Бу ҳақда «France-Presse» ахборот агентлиги хабар тарқатди.

Бундан сал аввалроқ мамлакатнинг миллий кредит рейтинги икки поғонага, аниқроғи, BBB+ га туширилган эди. «Standard & Poor's» агентлиги вакилларининг изоҳлашича, ҳар иккала ҳолатнинг асосий сабаби мамлакатда иқтисодий таваккалчиликнинг ошгани ҳисобланади.

Дарҳақиқат, Евроҳудуднинг кўплаб давлатларида бўлганидек, Испанияда ҳам иқтисодий таназзул тобора чуқурлашиб бормоқда. Жорий йилнинг биринчи чораги давомида мамлакатда ЯИМ ишлаб чиқариш 0,3 фоизга пасайди. Мамлакат ҳукумати олдида қарздорликни бартараф этишдек жиддий муаммо кўндаланг турибди. Бунинг устига банк-молия муассасаларининг ҳозирги аҳволини ҳам кўнгилдагидек деб бўлмайди.

МЭР 26 СОАТ ИНТЕРВЬЮ БЕРДИ

Янги Зеландиянинг Инверкаргилл шаҳри мэри Тим Шэдболт ўзига хос рекорд ўрнатди. У маҳаллий телевидениега оз эмас, кўп эмас, нақд 26 соат давомида интервью берди.

Шаҳар ҳокими ва CUE телеканали соҳиби Том Конрой иштирокида ўтган хайрия телемарафони (ундан тушган маблағ маҳаллий шифохонага ажратилди) шанба куни маҳаллий вақт билан 12:00да бошланиб, якшанба куни 14:00гача давом этди. Бу вақт ичида мэр турли мавзуларда фикр юритган. Жумладан, у ўз ҳаётидаги қизиқарли воқеа-ҳодисалар ҳақида ҳам сўзлаб берган.

Эътиборлиси шундаки, Тим Шэдболт 26 соатлик эфирдан сўнг ҳам суҳбатни давом эттиришга тайёр эканлигини билдирган. Унинг таъкидлашича, интервьюнинг дастлабки тўрт соати бироз қийин кечган, кейинчалик эса ҳаммаси ўз изига тушиб кетган.

Интервью якунлангач, Гиннеснинг рекордлар китоби вакиллари томонидан махсус сертификат топширилган. Маълум қилинишича, Янги зеландиялик рекордчи мэр 10 минг АҚШ доллари миқдоридаги мукофот билан тақдирланади.

Энг кўп вақт интервью бериш бўйича аввалги рекорд натижа 2009 йилда Испанияда ўрнатилган, унинг давомийлиги 12 соатни ташкил этган эди.

ДНЕПРОПЕТРОВСКДА ТЕРАКТ СОДИР ЭТИЛДИ

Украинанинг Днепропетровск шаҳрида теракт содир этилди. Оқибатда 30 га яқин киши турли даражада жароҳатланди. Уларнинг 9 нафари болалар. Қурбонлар ҳақида эса ҳозирча айтилмаяпти.

Мамлакат Ички ишлар вазирлиги тарқатган хабарларда айтилишича, 27 апрель куни шаҳарнинг Шмидт ва Короленко кўчаларида тўрт маротаба портлаш содир бўлган. Айрим манбаларда эса портлашлар сони олтита деб кўрсатилмоқда.

Мудҳиш воқеа муносабати билан мамлакат президенти иштирокида матбуот анжумани ташкил этилди. «Теракт оқибатида ўнлаб фуқароларимиз жабр кўрди, — дея таъкидлади матбуот анжуманида В.Янукович. — Бу, албатта, ачинарли ҳол. Ҳозир Ички ишлар вазирлиги томонидан воқеа юзасидан жиноий иш очилди. Ўйлайманки, айбдорларни топамиз ва уларни қонуний жазоларини олишади».

АВСТРАЛИЯЛИК МИЛЛИАРДЕР «ТИТАНИК-2»НИ ҚУРМОҚЧИ



Машҳур «Титаник» кемаси қайтадан барпо этилади. ИТАР-ТАСС ахборот агентлигининг хабар беришича, австралиялик миллиардер Клайв Палмер афсонавий кемани қуриш ниятида.

XXI аср «Титаник»ини қуриш Хитойнинг «Жинлинг» кемасозлик компанияси томонидан амалга оширилади. Қурилиш ишлари келгуси йилнинг охирларида бошланиб, уч йил давом этади. 2016 йилда улкан кема сувга туширилади.

Клайв Палмернинг сўзларига қараганда, «Титаник-2» ташқи кўриниши билан ўзининг «аждод»ига бир томчи сувдек ўхшаш бўлади. Бироқ у энг замонавий кемасозлик асбоб-ускуналари, илғор навигация ва хавфсизлик тизими билан жиҳозланади. Буларнинг барчаси учун тахминан 6 миллиард доллар сарфланиши кўзда тутилмоқда.

ТЎҚҚИЗТА ЭГИЗАК ТУҒИЛАДИ!

Мексиканинг Коахуила штатида яшовчи Карла Ванесса Перез яқин орада бир йўла тўққизта (!) эгизак фарзанд кўриши мумкин. Айни пайтда у шифохонада, врачларнинг қатъий назоратида.

Дарвоқе, шифокорлар туғилажак эгизакларнинг жинсини аниқлаб улгуришди: олтита қиз ва учта ўғил бола. Туғилиш куни эса — 20 май. Шифокорлар эгизакларнинг эсон-омон туғилишига умид қилишяпти. Мабодо бирон-бир муаммога дуч келинса, ҳомиладор аёл шошолинч тарзда жарроҳлик столига ётқизилади.

Шифокорларнинг таъкидлашича, ҳаммасини вақт кўрсатади. Агар жараён кўнгилдагидек якунланиб, эгизакларнинг ҳаммаси соғ-омон туғилиб яшаб кетадиган бўлса, Карла Ванесса дунёдаги энг кўп эгизаклар онасига айланади.

Интернет хабарлари асосида Камол ОЛЛОЁРОВ тайёрлади.

Шарҳ

«Чегарасиз Европа» тамойили зил кетди

Молиявий-иқтисодий инқирозни бошдан ўтказаётган Европа мамлакатлари кейинги пайтда Шенген зонасидан не фойда, деган саволни ўртага ташлашмоқда. Тан олиш керак: умумий виза ҳудуди ва чегаралар очиқлиги кафолати ҳисобланган Шенген ҳудуди «кўҳна қитъа» ютуқларидан бири ҳисобланарди. Бироқ кейинги пайтларда Осиё ва Африкадан кўплаб ноқонуний муҳожирларнинг ёпирилиб кириши қитъада ишсизлик, жиноятчилик ва коррупция каби иллатлар кўламининг кенгайишига сабаб бўлмоқда. Айниқса, Германия, Испания, Дания ва Франция ягона виза ҳудуди жорий этилганидан буён ноқонуний муҳожирлар сони кўпайганлигидан шикоят қилиб келмоқда.

Кейинги пайтларда мазкур муаммо жамоатчилик норозилигини келтириб чиқараётгани боис 26 апрель куни Люксембургда учрашган ЕИ мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари Шенген келишуви ҳаракатини қисман бекор қилиш масаласини муҳокама этдилар. Афтидан, «Чегарасиз Европа» тамойили ими-жимида ишлашдан тўхтаяпти. Энг қизиғи, ташаббус ЕИ «локомотивлари» саналган Германия ва Франциядан чиқаяпти. Ваҳоланки, айнан шу давлатлар ҳозирга қадар Европани сиёсий, ҳарбий, иқтисодий жиҳатдан интеграцияни чуқурлаштиришга чақириш билан шуғулланиб келгандилар.

Люксембургдаги музокаралар арафасида Германия ва Франция ташқи ишлар вазирлари — Ханс-Петер Фридрих ва Клод Геан кун тартибига радикал таклифни киритди. Бу Шенген келишуви матнига тузатиш киритишни мўлжаллаган таклиф бўлиб, ҳар бир аъзо давлатга 30 кунлик муддат мобайнида чегара назоратини ўрнатиш ҳуқуқини беради. ЕИга аъзо айрим давлатларнинг ноқонуний муҳожирлар оқимидан ўз чегараларини ҳимоя қила олмаганлиги баҳонаси билан ушбу чораларга қўл урилаётгани таъкидланмоқда.

Бу таклифни Франция президенти Николья Саркозининг иккинчи муддатга сайланишига кўмак бериш сифатида талқин этаётган экспертлар ҳам йўқ эмас. Чунки у ўз рейтингини кўтариш мақсадида сайловолди кампаниясида бир неча бор Шенген келишувини ислоҳ этиш ва муҳожирликка оид сиёсатни кучайтириш таклифини илгари сурди. Саркозининг фикрича, миграция чекланмаса, Европа бўйлаб ижтимоий хавфсизликка путур етади.

— Биз Европанинг ташқи чегаралари камчиликларидан азият чекишни хоҳламаймиз. Европа Иттифоқининг ҳозирги иммиграция қонунчилигини ислоқ қилиш ички портлашнинг олдини олишда ягона йўлдир, — деди Франция президенти.



Николья Саркози, агар 12 ой ичида ноқонуний иммиграцияни тўхтатиш борасида муваффақиятга эришилганини кўрмаса, Франция Шенген ҳудудига аъзолигини тўхтатишини таъкидлади. Бунинг яна бир сабаби ишсизлик билан боғлиқ. Францияда ишсизлик даражаси ривожланган мамлакатлар орасида энг юқори бўлиб, меҳнатга қобилиятлиларнинг атиги 68 фоизи доимий иш билан таъминланган. Талабалар, битирувчиларда ишга жойлашиш имкониятининг йўқлиги ҳам жиддий муаммо туғдираяпти. Шунинг учун ҳам арзон иш кучи бўлган ноқонуний муҳожирларни камайтириш ва шу орқали бандлик муаммосини юмшатиш мумкин. Аммо аксарият кузатувчилар Франциядаги президентлик сайловисиз ҳам Шенген келишуви келажаги билан боғлиқ масала Европа сиёсатидаги устувор масалалардан бири бўлиб қолажагини таъкидламоқдалар.

Таъкидлаш жоизки, яқин пайтларгача Варшавадан тортиб Лиссабонгача, Афинадан тортиб Ослогача бўлган эркин макон Европа бирлиги устуни, Европа фаровонлиги рамзи ҳисобланарди. Аммо молиявий инқироз туфайли бу фаровонликка дарз кетди. Ҳатто АҚШ долларига рақобатчи бўлиши башорат қилинган ягона пул бирлиги — евронинг муомалада қолиш масаласи кун тартибига чиқди. Балки, Осиё ва Африканинг бир қатор мамлакатларида давлат тўнтаришларини қўллаб-қувватлаган Европанинг ўзи бу кўргуликларнинг юзага келишига сабабчи бўлгандир, деган саволлар ҳам бежиз кўтарилмаяпти. Негаки, ривожланаётган давлатлардаги исёнларни тўхтатиш, ёвлашаётган томонларни музокаралар столига чақириш ўрнига, у ёки бу томоннинг тарафида туриш можаронинг авж олишига туртки берди, холос. Натижада ўша мамлакатдаги фуқаролар тинчлик ва фаровонлик истаб Европага ёпирилдилар. Яъни «араб баҳори» ўз сўзини айтди. Италиянинг Лампедуза ороли қочоқларнинг чинакам бошпанасига айланди. Греция, Испаниянинг Канар ороллари, Францияниг денгизга туташ ҳудудлари орқали Осиё ва Африканинг ғариб фуқаролари Европага кириб келишди. Ноқонуний муҳожирлар оқимига чек қўйиш учун Греция Туркия билан чегараларда девор қуришга киришди.

Ўтган йилнинг апрелида Шенген келишуви ҳудудида ўта жиддий инқироз юзага келди. Франция Лампедузада бошпана топган қочоқларни ўз ҳудудига киритмагани натижасида Рим ва Париж ўртасида дипломатик жанжал келиб чиқди. Фурсатдан фойдаланган Дания қўшни давлатлар билан чегара назоратини тиклади. ЕИнинг Данияга кўрсатган босими фойда бермади. Германиядаги Бавария ўлкаси Австрия билан чегарада назорат ўрнатиш билан пўписа қилган бўлса, Швейцария ҳам бутун чегаралари бўйлаб назоратни тиклаш устида бош қотира бошлади. Шенген шартномасига аъзо бошқа давлатлар ҳам Дания каби чегараларда назорат ўрнатадиган бўлса, Шенген шартномаси амалда ўз кучини йўқотади.

Афтидан, Шенгенда таназзул бошланиб бўлган кўринади. Чунки Европа Марказий банкининг 2-4 май кунлари Барселонада бўлиб ўтадиган йиғилиши олдидан Испания мамлакат ҳудудига антиглобалистлар кириши олдини олиш мақсадида чегараларини вақтинча ёпадиган бўлди. Футбол бўйича Европа чемпионати вақтида Польша ҳам шундай йўл тутади.

Шу ўринда Шенген ҳудуди ҳақида икки оғиз сўз. Шенген келишуви (1985 ва 1990 йиллардаги иккита ҳужжат) қитъа бўйлаб одамлар, товарлар, капитал ва хизматларнинг эркин ҳаракатланишини кўзда тутиб, Европа Иттифоқи ташкил топганидан уч йил ўтиб, аниқроғи, 1995 йилда кучга кирди. Дастлаб унга Германия, Франция, Голландия, Бельгия ва Люксембург, кейинроқ Италия, Испания, Португалия, Греция қўшилди. Бора-бора унинг сафлари Австрия, Финляндия, Швеция, ҳатто ЕИ аъзоси бўлмаган Норвегия ва Исландия ҳисобига кенгайди. Айрим шартлар билан Дания қўшилди.

2007 йил охирида Шенген ҳудуди мисли кўрилмаган даражада кенгайди. Эстония, Латвия, Литва, Польша, Чехия, Словакия, Венгрия, Словения, Мальта, шунингдек, Швейцария унинг сафини тўлдирди. Ўтган йили Болгария ва Руминиянинг навбат кутиб тургани ҳақидаги хабарлар пайдо бўлди. Афсуски, бу камбағал давлатларга бахт қулиб боқмади.

Хуллас, глобал молиявий таназзул давлатларни жиддий имтиҳондан ўтказди. Қитъадаги биргина синов интеграцияга аҳдлашган давлатлар иттифоқининг емирилишига олиб келмоқда. Айрим сиёсатдонлар муаммони ижобий ҳал қилишнинг ягона йўли сифатида ЕИнинг янги битимини имзолаш таклифини илгари сурмоқда. Турли мақсад ва манфаатларга эга бўлган, ҳаддан ташқари катта аъзоларга эга бўлган Европа бунинг уддасидан чиқадими ёки йўқ, ҳозирча бу вақт измида қолаётган савол.

Абдували АБДУЛБОҚИЕВ

Реклама

Universalbank



Валютная карта VISA Classic для физических лиц

Валютная пластиковая карта VISA Classic от УНБ — это удобство при расчётах совмещённая с простотой использования, при этом надёжность, без географической привязки.

E-mail: info@universalbank.uz

www.universalbank.uz

Став держателем карты VISA Classic, Вы получаете возможность:

- Оплачивать товары и услуги в торгово-сервисных предприятиях по всему миру;
- Снимать наличные в банкоматах любой страны в нужной Вам валюте;
- Осуществлять удалённые транзакции: бронировать авиа и железнодорожные билеты, гостиницы, а также оплачивать товары и услуги в сети Интернет;
- Получать скидки при оплате картой в торгово-сервисных предприятиях — участниках дисконтной программы УНБ;
- Получать отчёты о совершенных операциях по карте на мобильный телефон или электронную почту в режиме реального времени.

Как получить карту VISA Classic от УНБ?

- Заполнить форму Заявления в офисах УНБ или на сайте Банка www.universalbank.uz;
- Подписать Договор;

Размер неснижаемого остатка составляет $100, которые при закрытии карты будут возвращены владельцу.

Ташкентский филиал
100029, г.Ташкент, ул. Матбуочилар, 32
Тел.: +99871 150 39 90
Факс: +99871 233 68 56

Головной офис
150700 г.Коканд, Ферганская область, ул. Шохрухобод
Тел.: +99871 150 39 90
Факс: +99873 553 36 45

Тиббиёт

Скрининг маркази: СОҒЛОМ ОНА, БОЛА КАФОЛАТИ

Бир оилани биламан. Данғиллама уй-жой. Энг сўнгги русумдаги автомашина. Дастурхони эса ҳар хил ноз-неъматлар билан доим тўла. Ҳеч қандай ками йўқ. Кишига мана шундай тинч-хотиржам, ҳеч бир нарсага зориқмай яшашдан ўзга бахт бўлмаса керак. Шундай эмасми?

Аммо четдан қараганда кишига бекаму кўст туюладиган бу оиланинг ҳам бир оғриқли нуқтаси бор. Тўнғич фарзанд болаликдан ногирон. Мана шу дард бутун умр ота-онанинг дилини ўртаб келмоқда. Қизгина ўзи ногирон бўлишига қарамай, кўнглидан кечаётган туйғуларни ифода этганида унинг ҳар бир учқуни ҳар қандай бардошли одамнинг ҳам юрагини тилка-пора қилади. Айниқса, у орзу-истакларини айтиб, келажакдаги режаларини сиз билан ўртоқлашганида вужудингиз тўё алангадек ёнади. Беихтиёр "Эй, яратган эгам, кўпнинг қаторида унинг ҳам тўрт мучасини соғлом этиб яратсанг бўлмасмиди?!" дегинг келади.

Онаизорнинг афсус билан таъкидлашича, эри ва унинг бир хатоси туфайли бугун қизи шу аҳволга тушиб қолган. Бошқача айтганда, ота-онанинг тиббий маданияти саёзлиги, эътиборсизлиги фарзандининг ногирон бўлиб туғилишига сабаб бўлган. Аниқроғи, она ҳомиладорлик пайтида шифокор айтган текширувларнинг ҳаммасидан тўлиқ ўтмаган. Ҳатто тавсия этилган дориларни ҳам ичмаган. Ваҳоланки, ҳомила даврида касаллик аниқланиб, керакли муолажалар олиб борилганида, ҳозир уларнинг қизи соғлом бўлармиди...?!

Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки кунлариданоқ соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, ҳар томонлама баркамол авлодни камолга етказиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишлардан бири сифатида қаралмоқда. Ўтган йиллар давомида бир қатор давлат дастурлари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Айниқса, болаларда ногиронликнинг олдини олиш мақсадида оналар ва болалар учун махсус хизмат турлари ташкил этилиб, бу тизим тобора ривожлантириб борилаётгани эътиборга моликдир.

Амалиётдан маълумки, тиббий генетик хизматни такомиллаштирмасдан, ҳомила ривожланишидаги нуқсонларни аниқламасдан, чақалоқларда скрининг текширувлари ўтказмасдан туриб болаларнинг ўлим, ногиронлик кўрсаткичларини камайтириб бўлмайди. Мазкур масалага ижобий ечим топиш мақсадида тараққий этган давлатларда генетик скрининг хизмати фаолияти йўлга қўйилган. Шу жумладан, Ўзбекистонда ҳам. Бу аҳоли ўртасида туғма ва ирсий касалликларнинг сезиларли даражада камайишига хизмат қилади.

Шу ўринда савол туғилади: скрининг хизмати нима? Унинг моҳияти, инсон саломатлигини асрашдаги роли ҳақида оммавий ахборот воситаларида жуда кўп маънилатилган бўлса-да, яна бир бор таъкидлаш зиён қилмайди. Бир сўз билан айтганда, скрининг бу — яширин ва ирсий касалликларни аниқлаш учун аҳолининг катта қисмини ялпи текширувдан ўтказиш демакдир. Бундан кўзланган асосий мақсад ирсий касаллик билан туғилган болаларга махсус тиббий-генетик хизмат кўрсатиш, ҳомиланинг ривожланиш нуқсони ёки ногиронлигига олиб келувчи хасталиклар билан туғилишининг олдини олишдир. Скрининг марказларида асосан уч йўналишда иш олиб борилади. Биринчиси, перинатал (туғруққача бўлган) даврда ҳомилада ривожланиш нуқсонини аниқлаш бўлса, иккинчиси чақалоқларни туғма гипотиреоз ва фенилкетонурия касалликлари бўйича оммавий скрининг текширувидан ўтказишдан иборат. Учинчи йўналиш эса ирсий ва туғма касаллик билан туғилганларга, шундай фарзандлари бор оилаларга тиббий-генетик маслаҳатлар бериш. Ушбу жараён генетик, невропатолог, эндокринолог ва гинеколог каби мутахассислар ёрдамида амалга оширилишини айтиб ўтиш керак.



Республикамизда ҳам скрининг марказлари ташкил этиш ва уларнинг фаолиятни самарали йўлга қўйишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамаси қарорига кўра, 1998 йилда болаликдан ногиронликка олиб келувчи туғма ва бошқа касалликларни болалар ва ҳомиладорларда эрта аниқлаш мақсадида "Она-бола скрининг" давлат дастури доирасида бир қатор комплекс тадбирлар амалга оширилди. Мазкур ислоҳотлар уч босқичли тизимда ҳаётга татбиқ этилди.

1998-2002 йилларни ўз ичига олган биринчи босқичда республикамизнинг тўққизта ҳудуди, яъни Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Қарши, Термиз, Андижон, Наманган, Фарғона ва Нукус шаҳарларида скрининг марказлари ташкил этилиб, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бу даврда жойларда янги туғилган чақалоқларда туғма гипотиреоз ва фенилкетонурияга қарши оммавий неонатал скрининг текширувлари амалга оширилди. Аниқланган касал болалар марказларда диспансер назоратига олиниб, доридармон ва махсус шифобахш озиқ-овқат таомлари билан бепул таъминланди. Бу саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ, аҳолини скрининг текшируви билан қамраб олиш сезиларли даражада ошди.

2003-2007 йилларни қамраб олган учинчи босқичда Урганч ва Навоий шаҳарларида минтақавий скрининг марказлари иш бошлади. Бунда Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 июлдаги "Оилада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилишини ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосий дастурилламал бўлганини қайд этиш лозим. Бу даврда ҳам аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш баробарида 100 минг нафардан зиёд чақалоқлар текширувдан ўтказилди. Касал деб топилган 17 минг нафардан ортиқ ҳомиладор аёл даволанди.

Таъкидлаш керакки, Президентимизнинг 2008 йил 18 июнидаги "Болаликдан ногиронлар туғилишининг олдини олиш учун туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш давлат дастури тўғрисида"ги қарорида белгиланган вазифаларни бажариш доирасида учинчи босқич ислоҳотлари амалга оширилмоқда. 2008 йилдан шу кунгача бўлган даврни ўз ичига олган мазкур босқичда 2010 йилда Жиззах ва Гулистонда минтақавий скрининг марказлари ташкил этилди.

Қайд этиш жоиз, соҳада амалга оширилган кенг қамровли ислоҳотлар натижасида бугунги кунда республикамизда 13 та скрининг маркази фаолият юритмоқда. Улар билимли, малакали мутахассислар билан таъминланган. Аҳамиятлиси, скрининг марказлари томонидан доимий равишда халқимизнинг тиббий маданиятни ошириш, соғлом оилаларни шакллантириш, эрта ва қариндошлар ўртасидаги никоҳнинг олдини олиш, фертил ёшдаги аёллар репродуктив саломатлигини яхшилаш бўйича амалий ишлар олиб борилмоқда.

Азим РЎЗИЕВ,
"Hurriyat" мухбири

Умр маҳзани

Дунёда шундай касблар бўладики, уларни эгаллаш учун инсон қобилият билан туғилиши керак. Мен ёзувчи, рассом, санъаткор, шифокор, файласуф, кимёгар бўлиб туғилганлар билан мулоқотда бўлганимдан, тақдиримдан беадад миннатдорман. Мана шундай касб эгаларидан бири, Навоийнинг «мурид»и, профессор Суйима Ғаниевадир. У тадқиқотчи-матншунос бўлиб туғилгандек, назаримда.

Навоийнинг «мурид»и

Олима Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида 50 йилдан зиёд вақт мобайнида хизмат қилиб келади. Бу вақт ичида 40 дан ортиқ китоб ва рисоласи, 500 дан зиёд илмий мақоласи чоп этилди. Шунингдек, у Тошкент давлат шарқшунослик университети, Тошкент давлат консерваториясида кўп йиллардан бери «Эрон адабиёти тарихи», «Алишер Навоий», «Илм балоғати», «Тазкирачилик анъаналари», «Форсий ва туркийдаги шеърият» мавзуларида маъруза ўқиб келмоқда. Эътиборлиси, олима ўқийдиган мазкур махсус курс мавзулари илмий китоблардан олинмасдан, ўзи олиб борган тадқиқотлар натижаси ўлароқ юзага келган.

Суйима Ғаниеванинг иш фаолияти давомида тарбиялаб вояга етказган шогирд ва фарзандларининг сонини жаҳон бўйлаб орттирган шогирдлари, дўстларининг сонига кўпайтирсак, дунё харитасида белги қўйилмаган шаҳар қолмаса керак. Москва, Санкт-Петербург, Пекин, Теҳрон, Прага, Анқара, Қобул, Нишопур, Боку... санашда давом этсак, саҳифадан чиқиб кетишимиз аниқ. Бинобарин, олима уларининг барчасини уч хонали уйидан жой олган китоб жовонларига сиғдирган. Бу — дўстларининг дастхатлари битилган муаллифлик китоблари. Китоблардаги дастхатлар бир номзодлик иши учун жиддий мавзу бўлади. Агар уларнинг ёнига олиманинг дўстлари билан олиб борган ёзишмалари, илмий кундаликлари ҳам қўшилса, ҳаётдаги муҳаббатнинг ижоддаги аксини, ижодий мулоқот, инсон табиатига хос чизгиларни кашф этишга имкон туғилади.

Мен уни 40 йилдан бери танийман, тадқиқотчилик фаолиятини кузатиб бораман. Шу йиллар мобайнида Тил ва адабиёт институтида ўтказиладиган Навоийга бағишланган анъанавий конференцияларда Навоийга бағишланган маърузалар билан қатнашган бўлса, уларда бирон марта ўзини ўзи такрорламаган. Ҳар битта маъруза маълум бир масалага бағишланган ва у умумлаштирилган хулосага эга бўлади.

Навоий ижоди бўйича олиб борган тадқиқотлари фақат долзарблиги, аҳамияти, оригинал умумлаштирувчи хулосалари билангина эмас, балки жуда нафис, унут бўлиб кетган сўзларни топиб ишлатилиши билан ҳам ажралиб туради. У ишлатган ва мени лол қолдирган шундай иборалардан бири — «Навоийнинг шоҳ сатрлари». Бу каби нафис, шоҳ сўзлар бир жилд остига йиғилса, нутқ маданиятимизни янада бойитиши мумкинлиги қалбга қувонч бағишлайди. Шахсан мен мақолаларимда олима топган сўзларнинг кўпчилигидан тез-тез фойдаланаман.

Алишер Навоийнинг «Мажолис ун-нафоис» тазкираси ҳақида гап кетганда олима, олима ҳақида гап кетганда ушбу асар кўз олдингизга келади. Зеро, Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида ўз даври маданиятини акс эттирган бўлса, Суйима Ғаниева кўп йиллик иш фаолияти мобайнида навоийшуносликда, матншуносликда, ўзбек маданиятида эришилган ютуқлар, адабиётда қўлга киритилган зафарларни акс эттириб келмоқда. Бу борада олиманинг форс, тожик, азербайжан тилларини мукаммал билиши у яратган тадқиқотлар қамрови кенглигини таъминлаган.

Суйима Ғаниева «Мажолис ун-нафоис» тазкирасини нашрга тайёрлаш жараёнида чоп этган мақолаларидан бирида Навоий жамиятга фойда келтирувчи фан ва маданият соҳасида ҳар томонлама кенг маълумотга эга бўлган истеъдодли кишиларни юқори баҳолаганини қайд этган. Бу билан Алишер Навоий кишиларни фақат шеъриятни эмас, фанни, касб-ҳунарни атрофлича эгаллашга даъват этган, деган хулосага келган. Биз ҳам юртимизнинг бир қатор медаль ва орденлари соҳибаси, Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, профессор Суйима Ғаниеванинг ибратли фаолияти, олиб борган бебаҳо тадқиқотлари, илмий кузатувлари, олиманинг устози — Алишер Навоий каби келажак авлодни янги чўққиларни эгаллашга даъват этишидан мамнунлик ҳиссини туямиз.

Ёзувчи ва шоир Ойбекнинг турмуш ўртоғи — кимёгар олима, профессор Зарифа Саидносирова табиатан «нафақаҳўр» деган сўзни ёқтирмасди. Бу сўзни эшитмаслик, меҳнат дафтарчасидан унинг ўрин олмаслиги учун бир кун ҳам ишдан қолмаган: ишлаган, дарс берган, хотиралар китобини ёзган, расм чизган. Мен Суйима Ғаниевага ҳам ҳаракатдан, фаолликдан тўхтамаслигини, меҳнат дафтарчасида Зарифа опанинг қулоғига хуш келмаган сўзнинг қайд этилмаслигини тилаб қоламан.

Раъно ИБРОҲИМОВА,
филология фанлари доктори

Соҳа тарихига бир назар

Фармакология асослари

Касалликларнинг олдини олиш ва даволашда дори воситалари муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, истиқлолнинг дастлабки йилларидан мамлакатимизда фармацевтика саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Сифатли, юқори самарадорликка эга бўлган безарар янги дори воситаларини яратиш, ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш, сақлаш, ташиш, сотувга чиқариш замон талаблари даражасида такомиллаштирилди. Бу борада соҳани мувофиқлаштирувчи тегишли қонунлар ва қонуности ҳужжатлари қабул қилиниб, амалиётга жорий этилаётганини ҳам таъкидлаш жоиз.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Ўзбекистонда мавжуд иккита фармацевтика корхонаси томонидан бор-йўғи 20 га яқин дори воситалари ишлаб чиқарилар-ди, холос. Бугун эса уларнинг сони 127 хилга етди. Шулардан 19 таси халқаро сифатни бошқариш тизими — ISO-9001 ҳамда GMP сертификатларига эга. Қувонарлиси, уларнинг 17 таси ўз маҳсулотларини чет мамлакатларга экспорт қилмоқда.

Маҳаллий корхоналар томонидан ишлаб чиқарилаётган 30 дан ортиқ оригинал дори воситалари маҳаллий хомашёлар, асосан, доривор ўсимликлар асосида республикамиз олимлари томонидан яратилган. Улар жумласига аллапинин, экдистен, тефестрол, пирацин, купир, сукцинасол ва бошқаларни киритиш мумкин.

Қисқа даврда бу даражадаги муваффақиятларга эришишимизда кўплаб доришунос олимларимизнинг ҳиссаси катта бўлганини таъкидлаш жоиз. Умрини ана шундай эзгу ишларга бағишлаган, дунё алкаллоидлар кимёси фанини бойитган, бугунги кунда амалий тиббиётда кенг қўлланиладиган ўнлаб дориларнинг асосчиси, истеъдодли олим Собир Юнусовнинг соҳанинг ривожланишига қўшган ҳиссасини таъкидлаш жоиз.

Одатда, беморни шифокор даволайди. Шунинг учун бўлса керак, саҳнада гўё биргина шифокор тургандек кўринади. Кадр ортидагилар ҳамиша ҳам кўринмаслиги мумкин. Лекин айнан уларга кўп нарса боғлиқ. Кимёгар фармакологлар ҳам шундай. Шу ўринда Собир Юнусов ҳақида икки оғиз сўз. 1909 йилнинг 18 мартида Тошкент шаҳрида туғилган юртдошимиз дастлаб педагогика техникумини, сўнг Тошкент давлат университетининг химия факультетини тугатган. Бутун умрини Ўрта Осиёда ўсадиган доривор ўсимликлар ва улардан олинадиган доривор моддаларни ўрганишга бағишлаган Собир Юнусов 1939 йилда номзодлик, 1949 йилда докторлик диссертациясини ёқлайди. Унинг раҳбарлигида тиббиётнинг турли соҳаларида 20 дан зиёд, қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган 10 дан ортиқ дорилар яратилган.

Хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига ва дунёнинг энг машҳур кимёгарларига бериладиган Д.Менделеев олтин медалига Ўзбекистондан биринчи бўлиб муносиб деб топилган олимнинг энг яхши ишларидан яна бири шуки, у 1956 йилда ЎзРФА қошида Ўсимлик моддалари кимёси институтининг ташкил этилишида етакчилик қилди. У мазкур илм масканида шогирдлари билан алкаллоидлар ва улардан турли дори воситаларини тайёрлаш мумкинлиги ҳақидаги фикрларни илгари суриб, уларни кетма-кет амалга ошириб борди. Изланишлар эса бесамар кетмади. Собир ака ўсимликларда дори сифатида ишлатса бўладиган фойдали алкаллоидлар борлигини аниқлаб илмга тавсия этди.

Бундан ташқари, мазкур институтда унинг раҳбарлигида 1200 га яқин алкаллоидлар олинди ва амалиётга киритилди. Унинг саъй-ҳаракатлари билан мазкур даргоҳ мутахассислари томонидан 30 дан зиёд дори воситаларини фойдаланишга таклиф этди. Улардан бири кардиология соҳасида кўп қўлланадиган антиаритмик препарат АЛАПИНИндир. Эндиликда у дунёнинг турли мамлакатларида қўлланадиган асосий дори воситасига айланган. Шунингдек, СТРОФАНТИН дори воситаси ҳам мазкур институтда ўрганилиб, унинг ўсимлик хомашёси, захираси Ўзбекистонда экани аниқланган.

Таъкидлаш жоизки, мазкур маскан республикамиздаги ягона илмий амалий ишлаб чиқариш комплексига айланди. Натижада бугун юртимизда фармацевтика саноати жадаллик билан ривожланмоқда.

Эркин ТУРСУНОВ,
Тошкент педиатрия тиббиёт институти профессори

КЎНГИЛ ГУЛШАНИ

Бағрикенглик

Ижобат бўлган дўолар

Бугун етмишни қоралаб қолган биз, мўйсафидлар ҳам бир пайтлар талаба бўлганмиз. Ўқишимизнинг дастлабки йилларида ётоқхона тегмай, Эски шаҳарнинг турли маҳаллаларида ижарада яшардик. Стипендия харажатларимизни қопламас, ой охирида икки-уч кунлаб нон-чойга қараб қолган кунларимиз кўп бўларди. Баъзи ўртоқларимиз якшанба кунлари мардикорликка чиқиб, беш-тўрт сўм ишлаб келарди. Менинг эса бу борада иқболим кулган эди, шекилли, ҳар шанба куни биз турган уйга яқин жойда яшайдиган қадрдон дўстим — Абдураҳим кечга томон келиб, қўярда-қўймай уйига олиб кетарди. Баъзан ҳар шанба бораверишга юзим чидамай қатъий туриб олсам, ўн беш-йигирма дақиқадан кейин дўстимнинг ойиси Тожихон аямиз келиб фақат менигина эмас, бирга яшайдиган шерикларимни ҳам қўшиб олиб кетарди.

Бу ҳол бир неча марта такрорлангач, бир куни ижарачи аёл — биз уни ойи деб атардик, «У сенга ким бўлади, қанақа қариндошинг?», деб сўради. Мен «Дўстим Абдураҳимнинг онаси», деб жавоб бердим. Ойимиз бу жавобга қаноатланмай, «Сен Андижондан бу йил келдинг, улар эса тошкентлик бўлса, қандай қилиб шу қадар қалин дўст бўлиб олгансизлар», деб суриштираверди. Кейин ҳазиллашиб: «Бу дўстимни лотереяга ютиб олганман», деб жавоб қилдим. Ҳатто бирга яшайдиган талаба ўртоқларим — Пўлат ака, Акрам, Саттор, Янгивойлар ҳам дўстимнинг оиласи билан орамиздаги бу қадар меҳр-оқибатнинг тагига етолмай, «Шунақасиям бўладими?!» деб ҳайрат ва ҳавас билан ажабланиб қарарди. Бир куни ҳамхоналаримга бу дўстликнинг тарихини сўзлаб бердим. Бу ноёб воқеа мана бундай содир бўлган:

1958 йил куз ойлари бўлса керак, тўққизинчи синфда ўқирдим. Тил ва адабиётга қизиқишим туфайли ўзимча шеърлар машқ қилиб, туман газетасига мактабимиз ҳаётидан мақолалар ёзиб турардим. Ёзган шеърларимни бирор кишига, ҳатто ўқитувчимизга кўрсатишга ҳам уяламан, яхши-ёмонлигини эса ўзим ажратолмайман. Шундай кунларнинг бирида ўша пайтлардаги ўқувчилар газетаси ҳозирги «Тонг юлдузи»да бир мақола ўқиб қолдим. Газетанинг иккинчи саҳифасида — ўртада, алоҳида кўзга ташланадиган қилиб, «Фаол мухбир» сарлавҳали мақола жойлаштирилибди. Унинг муаллифи ўша пайтларда анча машҳур бўлган болалар ёзувчиси Ғани Жаҳонгиров эди. Мақолада Тошкентдаги 115-ўрта мактаб ўқувчиси Абдураҳим Махсумов газетанинг фаол мухбирларидан экани, у ҳозир Бўстонликдаги ёзги лагерда таътилни ўтказаётгани битилганди. Умидли ёш қаламкаш Абдураҳим Махсумов улкан шоир — Ғайратий раҳбарлигидаги адабиёт тўгарагига қатнашишини билиб олдим. Бу тўгаракдан Эркин Воҳидов, Сайёр, Хайриддин Салоҳ каби талантли шоирлар етишиб чиққанини ўқиганимдан сўнг юрагим орзиқди: «Абдураҳим қандай бахтли-я!» Шу пайт бола кўнглимга келган фикрдан ғалати бўлиб кетдим. «Унга хат ёзаман! Агар хатимга жавоб ёзса, шеърларимни вақти-вақти билан унга юбориб, тўгаракда кўриб чиқишларини, менга тегишли маслаҳатлар беришини илтимос қиламан», деб ўйладим. Назаримда энг қимматли маслаҳатни фақат ўшалар бериши мумкин эди. Пайсалга солмасдан ўша номаълум дўстимга хат ёздим. Ҳаяжонланиб кута бошладим, мактуб ёзганимни ҳам ҳеч кимга билдирмадим, мабодо жавоб келмай қолса устимдан кулишларидан хавотирланган-дим. Буни қарангки, мен кутган жавоб хати ўйлаганимдан ҳам тезроқ муддатда келди. Уни ҳеч кимга кўрсатмай хавотир ва ҳаяжонда шошилиб очиб ўқидим. Абдураҳим мактубимдан хурсанд бўлганини, менга бажонидил ёрдам беришини айтибди. Хурсандлигимни қўяверасиз! Яна айтибдики, унинг Наманганда қариндошлари, тоғалари яшаркан. У ҳар йили ёзда келиб ўн-ўн беш кун туриб, яқинлари билан кўришиб кетаркан.

Шундай қилиб ўртамизда дўстона хатлар бориб-келиб турди. Юборган шеърларимга жўяли маслаҳатлар олдим. Адабиёт, шеър баҳонасида Абдураҳим Махсумовдек ажойиб инсонни тасодифан топиб олганим ҳаётимдаги энг катта ютуғим бўлди. «Бу дўстимни лотереяга ютиб олганман», деганим шундан.

Абдураҳим кейинчалик менга юборган мактубларида ёзишича, оилада икки фарзанд — Акрамжон деган акаси ҳам бор экан. Дадаси ёшлик пайтларидаёқ вафот этган, ойиси Тожихон ая эса бир умр болалар боғчасида ошпаз бўлиб хизмат қилиб келаркан.

Абдураҳим билан деярли бир йилдан кейин кўришдик.

1959 йилда мактабни тугатиб адабиётга бўлган меҳрим сабабли ўша пайтдаги Ўрта Осиё давлат университетининг филология факультетига ҳужжат топширдим. Ётоқхонамиз Чорсуда — кейинчалик француз тили факультети жойлашган бинода эди. Келган кунимнинг эртасигаёқ дўстимга хат ёздим. Уларнинг уйи Тошкентнинг қаерида жойлашганини билмасдим. Хатни почта қутисига ташлаб консультацияга кетдим. Икки-уч соатлардан кейин келсам, ётоқхона қоровули «Сени битта бола сўраб келди, ҳеч қаёққа кетмай турарканса», деди. Сўраб келган одам кимлигини тахмин ҳам қилолмай турган эдим, орадан ярим соат ўтиб-ўтмай қоши-кўзи қопқора, юзлари оппоқ, бўйи-басти келишган, хурсандлигидан кўзлари ёниб турган тенгдошим мен томон дадил келди-да: «Тўлқин бўлсангиз керак», деб қўл узатди. «Абдураҳиммисиз», дедим қучоқ очиб. Ҳол-аҳвол сўрашгандан кейин дабдурустдан: «Қани кетдик уйга», деди. Ҳали ҳаяжоним босилгани йўқ эди. «Раҳмат, мана кўришиб ҳам олдик, уйга ҳам борармиз», дедим сиполик билан. Абдураҳим эса «Йўқ бормасангиз бўлмайди, ойим «Албатта дўстингни олиб келгин», деб тайинлаганлар. Агар бормасангиз яна қайтариб жўнатадилар», деди қатъият билан. «Эрталабдан бери учинчи марта келишим», дея қўшиб қўйди сўнг.

Дўстимнинг хонадони «Сақичмон» маҳалласида эди. Доим хат ёзиб турадиган манзил — «Гулзор» проезд 5-хонадон кўзимга ўтдек кўринди.

Биз кириб борганимизда хонадон соҳибаси бир неча хил овқат пиширибми, худди азиз меҳмонни кутгандек тараддудланиб ўтирган экан, елкамдан олиб кўришди. Тожихон аямиз ўша пайтларда эллик ёшларни қоралаб қолган бўлиб, ўрта бўйли, оқ рўмолини узунасига бошига ташлаб олган меҳрибон аёл эди. Кейинчалик ҳам аянинг юришturишини, майин нигоҳларини кўз олдимга келтирганимда замондош шоиримиз Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» достонидаги Она киёфаси кўз олдимга келаверарди.

Ўғлининг янги дўсти — менгагина эмас, балки кейинчалик бу хонадонга мен билан бирга борган Пўлат ака, Акрамжон, Саттор ва Янгивойларга ҳам илиқ муносабатини кўриб Тожихон аянинг бағрикенглигига ҳайрон қолардим. Мен ўшанда мандат комиссиясидан ўтолмай қайтиб кетганман. Икки йилдан сўнг келиб ўқишга кирганимда Абдураҳим ўша пайтдаги Чет тиллар педагогика институти инглиз тили факультетининг биринчи босқичини тамомлаган эди. Юқорида исмлари келтирилган курсдошларим билан 1961 йилда университетга қабул қилинган эдик. Бу аёл шу қадар болапарвар, болапараст эдики...

Биз ўқишимиз тугагандан кейин ҳаммамиз ҳар томонга — Акрам Каттабеков Самарқандга, Пўлат Тўраев Туркманистонга, Саттор Сурхондарёга, Янгивой Хоразмга, камина Андижонга кетадиган вақтинчалик одамлар бўлсак, Тожихон аямиз буни хаёлига ҳам келтирмас, гўёки биз улар билан бутун умр бир шаҳарда яшайдигандек қарарди. Ҳафтада бир, ҳеч бўлмаганда икки ҳафтада бир хонадонга бош суқмасак, ўзлари келиб қўярда-қўймай олиб кетар, тансиқ таомлар билан сийларди. «Ўғилларим, сизларнинг уйларингиз узоқ, тез-тез бориб туришнинг иложи йўқ, шунинг учун ҳеч тортинмасдан келиб шу ерда дам олиб, Абдураҳим, Акрам аканглар билан суҳбатлашиб туринглар», деб тайинлардилар. Кетар пайтимиз дарвозагача кузатиб, фотиҳага қўл очиб, «Илойим бола-чақали, илмли олим бўлинглар», деб дуо қиларди.

Биз у пайтларда бу дуоларнинг қадрини ҳис қилмасдик. Билишимча, ўша пайтларда ҳеч қайсимизнинг хаёлимизда келажакда олим бўлиш фикри шаклланмаганди. Ўқишни битирсак ўз қишлоғимизга қайтиб, ўқитувчилик қиламиз, дер эдик. Ундан юқориси хаёлимизнинг бир чеккасига ҳам келмасди. Бироқ Тожихон аямизнинг худо дилига солганми ёки бизнинг астойдил ҳаракат қилиб ўқиётганимизни кўриб шу фикрлар хаёлидан ўтганми, ҳар сафар «Илмли олим бўлинглар», деб дуо қилишда давом этарди. Ўқишимизнинг учинчи йилида ҳаммамиз ётоқхонага чиқиб кетган бўлсак-да, вақти-вақти билан келиб аямизни зиёрат қилиб турдик.

Кейинчалик оилавий бордикелдилар туфайли улар билан яқин қариндошдек бўлиб кетдик.

Абдураҳим институтни тугатгач, мақсадли йўлланма билан Наманган вилоятига ишга юборилди. Бир неча йил мобайнида мактабда ишлагач, унинг ишчанлик ва ташкилотчилик қобилиятига эътибор беришиб, Наманган тумани ёшларига етакчи этиб тайинлашди. Жуда яхши тарбия кўрган, ҳалол-пок дўстимиз бу вазифада ҳам бир неча йил хизмат қилиб, туман аҳлининг ҳурмат-эътиборини қозонди. Адабиётга, ижодга бўлган меҳри ҳам бир умр сақланиб қолди. Бир нечта ҳикоялар тўпламини нашр эттирди. Кейинги даврларда ҳам водийга бирор хизмат билан бориб қолар экан, менга гоҳ Наманган, гоҳ Фарғонадан қўнғироқ қилиб, тўхтаган манзилини айтар, биз албатта кўришиб, ўтган-кетган гаплардан гаплашиб дўстларни эслаб, яна ёшлик йилларимизга қайтгандек бўлардик.

Тожихон аямизнинг қайта-қайта сидқидилдан қилган дуосини олган дўстларимизнинг кўпчилиги ҳақиқатан ҳам илм йўлидан кетди. Акрам Каттабеков Гулистон университетида, Саттор Маҳматқулов Термиз университетида хизмат қилди. Ҳар иккаласи ҳам фан доктори, профессор даражасига эришди. Пўлат Тўраев билан камина ҳам номзодлик даражасига эга бўлдик.

Абдураҳим Махсумов мамлакатимиз мустақилликка эришгандан буён масъул вазифада элу юртга сидқидил билан хизмат қилиб келмоқда.

Ёшимиз бир жойга бориб, ўтмиш ҳаёт йўлимизни кўз олдимга келтириб, ушбу сатрларни ёзаяпман-у, кўз ўнгимда халқимизга хос бўлган барча инсонпарварлик, бағрикенглик хислатлари мужассам бўлган истиқболимизда дуога қўл очиб турган табаррук онахонимиз, муштипар Тожихон аямиз тургандай бўлади. Охиратлари одоб бўлсин!

Тўлқин ЙЎЛДОШЕВ

АДАБИЙ ТАРЖИМА МУАММОЛАРИ

Қуйида Европа адабий таржимонлар уюшмалари Кенгаши раиси Ҳолгер ФОКнинг бугунги халқаро миқёсдаги адабий таржима муаммолари хусусидаги фикр-мулоҳазалари билан танишасиз

Таржима — юксак санъат
Ҳолгер ФОК

Адабий таржима бугун кўплаб дорилфунунларда фан сифатида ўқитилаётган бўлса-да, ушбу касбни ижтимоий жиҳатдан узил-кесил муҳофазаланган, деб бўлмайди. Ўз-ўзидан ҳақли савол туғилади: хўш, нега ана шундай қийин моддий шароитларга қарамасдан айрим ижод аҳли адабий таржима билан асосий касби-кор сифатида шуғулланаверади? Бу саволга жавоб тариқасида ўз тажрибаларимдан келиб чиқиб баъзи мулоҳазаларимни баён қилмоқчиман.



Мактабда ўқиб юрган кезларим менда француз адабиётига кучли ҳавас уйғонган. Илк таржималарим талабалик давримдаёқ қилинган ва уларга тасодифий тақризлар ҳам ёзилган. Шундан сўнг беш йил давомида реклама матнларини тузувчи бўлиб ишладим, бу даврда ҳам севган машғулотим билан мунтазам шуғулланиб келдим. Аммо бу касбда бир умрга қоламанми-йўқми, деган савол ўзимда бунга тўлиқ ишонч ҳосил қилганимдан сўнггина пайдо бўлган ва у кейинги ҳаёт йўлимни белгилаб берган.

Адабий таржима — бунга нафақат бадиий, балки илмий-оммабоп ва муайян соҳаларга тааллуқли бўлган адабиётлар таржимаси ҳам киради — бир томондан олганда, ёлғизликни талаб қиладиган сокин фаолият саналади. Бироқ шу билан бирга, ўз она тилинг билан ҳам мунтазам шуғулланишинг, кўплаб изланишлар олиб боришинг ва ўзинг учун номаълум бўлган "худуд"ларга ҳам кира билишинг, уларни ўзлаштира олишинг керак бўлади. Қисқаси, қизиқарли иш. Кишига завқ бағишлайди.

«Европа тили — таржимадир», деган эди Умберто Эко бундан бир неча йиллар муқаддам. Унинг фикрича, бизнес соҳасидаги инглиз тили, яъни инглизча-хитойча жаргон глобаллашув даврида франка (роман, грек ва шарқ тиллари унсурларидан ташкил топган қурама тил) сифатида бир-бирини ёқлаш ва маъқуллашга эмас, балки ўзаро бир-бирини тушунишга хизмат қилмоқда. Бу борада маданий сидқидилликка эҳтиёж сезилади, бунинг учун эса ўз-ўзидан адабий таржималар учун кенг имкониятлар очилади. Аммо шунга қарамасдан, маданиятнинг узвий қисми бўлмиш адабиёт, айниқса, таржима жуда оз, жумладан, Европа Иттифоқи доирасида жуда кам рағбатлантириб келинмоқда.

Аввало, шуни айтиш керакки, кичик мамлакатларда, жанубий, шарқий ва шимолий Европада ишлаб чиқарилаётган жами китоб маҳсулотларидаги таржималар улуши 30 фоиздан 60 фоизгача, беллетристиканинг ўзини оладиган бўлсак, унда 40 фоиздан 80 фоизгача ташкил этади. Фақатгина Германия, Австрия, Швейцария, Франция ва Италияда таржималар ҳиссаси нисбатан камроқ, Буюк Британияда эса ниҳоятда оз — атиги уч фоиз! Бироқ Европанинг турли мамлакатларида таржима қилинган адабиётлар сони ва кўлами сўнгги ўн йилликлар ичида, умуман олганда, анчагина ўсди. Албатта, бу борада тузилиш жиҳатидан ўзаро кескин фарқлар ҳам кўзга ташланади: таржима асарлар деярли барча мамлакатларда кўпроқ бевосита инглиз тилидан яратилмоқда. Германияда бу кўрсаткич кўп йиллардан буён муттасил 70 фоиздан, Словения ёки Чехия сингари шарқий Европа давлатларида эса 80 фоиздан кўпроқни ташкил этиб келаётир.

Буюк Британияда қилинаётган жуда оз сонли адабий таржималар билан мутаносиб равишда инглиз тилидан ўгирилаётган таржималар кўлами муттасил ошиб бормоқда. Бунинг боиси қисман шундаки, инглиз тилида кўпроқ бамаъни адабиётлар чоп этилаяпти. Асосий сабаб эса инглиз тилидан кўпинча энсани қотирадиган, енгил-елпи асарлар таржима қилинаётганидир. Нашриётлар эса ўз ўрнида бу хилдаги адабиётлар таржимаси сифатига кўпам эътибор бермасдан пешма-пеш босиб чиқармоқдалар. Бунинг оқибатида жанубий ва шарқий Европа мамлакатлари бозорларида кўплаб услубий ва лисоний хатолар йўл қўйилган таржималар пайдо бўлмоқда.

Яна бир катта камчилик шуки, ҳозирги пайтда "майда" тиллардан ўгирадиган моҳир адабий таржимонлар, шу каби мутахассислар (адабий мунаққидлар, филологлар ва ҳоказо) адабий таржималар устида ишлаб, тирикчилигини баҳоли қудрат ўтказа олишларига имкон берадиган даражадаги гонорарлар етишмайди. Баъзи бир мамлакатларда профессионал адабий таржимонлар умуман йўқ ҳисоби. Бунга ушбу касб билан Греция, Португалия ёки шарқий Европа давлатларида ҳам энг паст даражада бўлса-да, тирикчилик ўтказиш аммаҳол эканлигини, Ирландия, Буюк Британия ёки Швейцария каби мамлакатларда таржима асарлар етарли даражада яратилмаётганини далил қилиб кўрсатиш мумкин.

Таржимонларнинг соф даромадлари ҳақида гапирадиган бўлсак, янада аянчли манзарага дуч келамиз. Ҳар бир мамлакатдаги аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача харид қуввати билан ўзаро қиёсланганда, уларнинг ўртача соф даромади ҳатто 30 фоизга ҳам етмайди. Агар Ирландия билан Буюк Британияни инобатга олмасак (ушбу давлатларда адабий таржимонлар деярли йўқ ҳисоби), Франция адабий таржимонларнинг ўртача соф даромади бироз юқори (66 фоиз) бўлган ягона мамлакат эканлиги аён бўлади. Мамлакатлардаги мавжуд иқтисодий шароит билан китоб бозори ўзаро баҳамжиҳат бўлса, мазкур ҳолатни яхшилаш мумкин. Китоб савдосида ортиқча маҳсулот билан бошқаларни суриб чиқариш "мусобақаси"га қаттиқ берилган бозорда, албатта, бундай имкониятлар ўз-ўзидан чекланади. Башарти, моҳир адабий мутаржимларнинг моддий негизи ақалли бошланғич мактаб муаллими ёки уста-ҳунармандларники билан тенглаштирилганда эди, уларнинг доимий даромадлари ҳам икки, уч ҳисса ортган бўларди. Лекин бу иш ёлғиз нашриёт билан китоб бозорининг қўлидан келмайди.

Аҳолиси кўп бўлган давлатларда мутаржимлар учун қўшимча даромад манбаларини қидириб топса бўлади, кичик мамлакатларда эса бунинг учун тираж (адад) имкониятлари етарли эмас. Бироқ катта давлатларда ҳам адабий таржимонлар даромадини биргина шу йўл билан тубдан яхшилаб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, хоҳ давлат томонидан бўлсин, хоҳ бошқача йўл билан бўлсин, таржимонларни моддий рағбатлантиришнинг ягона самарали тизимисиз иш битмайди.

Кўпгина ташкилот ва муассасалар, жумладан, Европа Комиссиясининг фикрига кўра, мутаржимлар ўз таржима асарларининг рағбатлантирилишидан фойдаланувчилар ҳисобланади. Кўплаб мамлакатларда бу ҳақда гап бўлиши мумкин ҳам эмас. Фақатгина Испания, Дания, Финляндия, Буюк Британия, Швейцария ва Австрияда таржимонлар одатдаги гонорарга қўшимча тарзда дотация ҳисобидан айтишга арзигулик (50 фоиз) миқдорда улуш оладилар (лекин ҳар доим ҳам эмас). Айрим мамлакатларда эса аксинча, баъзан ҳатто саҳифалар учун тўланадиган арзимас қалам ҳақидан ҳам "йўниб" қолинади. Келгусида бундай қаллобликларнинг олдини олиш мақсадида Европа Иттифоқи томонидан тегишли мамлакатларда дотациялар ва гонорарлар миқдори ўрганиб чиқилиб, бу борада ягона тариф қиймати жорий этилди.

Таржимонларни қўллаб-қувватлаш борасидаги дастлабки ижобий қадамларни Франция, Германия, Австрия, Испания ва Словенияда, жуда оз миқдорда Литвада, Словакия ва Буюк Британияда ҳам кузатиш мумкин. Барча мамлакатлар бу соҳада Норвегия, Швеция, айниқса, Нидерландиядан ибрат олишлари мақсадга мувофиқ. Нидерландияда давлат маблағ билан таъминлайдиган таржимонлар фонди ҳисобидан юқори савиядаги адабий мутаржимларнинг асосий гонорари миқдори икки ҳисса оширилган. Қийин таржималар учун улар янада кўпроқ ҳақ олиш имкониятига ҳам эга. Швеция ва Норвегияда эса моҳир адабий таржимонлар учун кўп йиллик миллий стипендиялар тизими мавжуд, уни қисман давлат, қисман кутубхоналар маблағ билан таъминлаб боради. Финляндияда бу ишга хусусий жамғармалар ҳам кўмаклашади, Данияда бу хилдаги маблағлар бевосита таржимонларга тегишли бўлиб, даромадларининг қарийб 50 фоизини ташкил этади.

Маданиятлараро алмашув жараёнига ҳеч нарса адабий таржимачалик хизмат қилолмайди.

Сир эмас, кўпчилик адабий мутаржимлар кам пул ишлаб топадилар, шунинг учун кўп ҳолларда ҳатто уларнинг адабиётини таржима қилаётган мамлакатларга ёки малака ошириш семинарларига, коллоквиумларга бориб келишга ҳам моддий жиҳатдан қурбилари етмайди. Таржимонларни иш ва сафар стипедиялари билан рағбатлантириш, ҳомийлик дастурлари, семинарлар, симпозиумлар, мутаржимларнинг муаллиф (ёзувчи)лар билан учрашувларини ташкил этиш ва ҳоказо тадбирларни бевосита ёки тегишли муассасалар орқали маблағ билан таъминлаш ҳам Европа Иттифоқи олдида турган муҳим вазифалар қаторига киради ва уларнинг бажарилиши адабиётга, маданий алмашув ишига муҳим ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз.

Немис тилидан
Мирзаали АКБАРОВ таржимаси.

«Kulturreport fortschritt Europa» журналидан олинди.



2012 йил — Мустаҳкам оила йили

Биз учун энг азиз, бебаҳо

Ҳаётимга беқиёс маъно,
Фарзандларим шодон жамлиги.
Биз учун энг азаз, бебаҳо
Оиламиз мустаҳкамлиги.

Армон менга буткул бегона,
Атрофимда ёрим парвона.
Ҳар кунимиз бир шодиёна,
Оиламиз мустаҳкамлиги.

Жўр бўлингиз баётимизга,
Қанот бўлинг қанотимизга.
Бахтли бўлсин ким ҳавас қилса,
Бизнинг гўзал ҳаётимизга.

Биз ҳамиша эл эъзозида,
Қувончдандир кўзим намлиги.
Чаманмоқда бахтнинг созида,
Оиламиз мустаҳкамлиги.

Талпинаман ҳар лаҳза шошиб,
Орзу томон қадамлар босиб.
Йилимизга жуда муносиб
Оиламиз мустаҳкамлиги.

Ботир ЭРГАШЕВ



ЙЎЛЛАНМАЛАР СОНИ ОРТМОҚДА

Лондонда ўтказиладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашадиган спортчиларимиз сони ортиб бормоқда. Яқинда «Пекин-2008» Олимпиада ўйинларининг бронза медали совриндори Екатерина Хилько ва моҳир қиличбоз Руслан Кудаев ҳам нуфузли мусобақа йўлланмаларини қўлга киритган эди.

Куни кеча Хитойдан хушхабар келди. Олимпия саралаш турнирида муваффақиятли қатнашган эркин кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров ёзда Англия пойтахтига йўл оладиган бўлди. Бундан ташқари, юнон-рум кураши бўйича энг енгил — 55 килограмм вазн тоифасидаги беллашувларда яна бир спортчимиз Элмурод Тошмуродов ҳам грузиялик, ҳиндистонлик ва германиялик рақиблари устидан қозонган ғалабалари эвазига Олимпиада йўлланмаси соҳибига айланди.

Пойтахтимизда ўтказилган дзюдо бўйича Осиё чемпионатида қитъамизнинг 26 давлатидан 185 нафар спортчи совринли ўринлар ва ёзги Олимпиада ўйинларида қатнашиш ҳуқуқини берадиган сўнгги рейтинг очколари учун ўзаро беллашди. Унда Ўзбекистон эркаклар терма жамоаси иккитадан олтин ва бронза медалларини жамғаришга муваффақ бўлди. Бу ҳамюртларимизга умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни тақдим этди. Айниқса, оғир вазнли дзюдочилар мусобақасида тажрибали полвонларимиз — Рамзиддин Саидов ва Дилшод Чориевнинг маҳорати мухлису мутахассислар томонидан юқори баҳоланди. Р.Саидов 100 килограмм вазн тоифасидаги баҳсларда Кванг Сун Ю (Жанубий Корея), Дайсуке Кобаяши (Япония), Жавод Маҳжуб (Эрон)ни енгиб, шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди. Жаҳон чемпионати совриндори Дилшод Чориев эса 90 килограмм вазн тоифасида қатарлик Авад Наеми, жанубий кореялик Сун Пил Баек, қирғизистонлик Чингиз Мамедов ва тожикистонлик Парвиз Собировни мағлубиятга учратди.

Хотин-қизлар ўртасидаги мусобақаларда терма жамоамиз аъзолари совринли ўринларга кўтарилмаган бўлса-да, Римма Бердиқулова, Гулноза Матниёзова, Елена Могилина ва Дилдора Убайдуллаева қимматли рейтинг очколарига эга бўлдилар.

Халқаро дзюдо федерацияси жаҳон рейтинги асосида ёзги Олимпиада иштирок этадиган дзюдочиларнинг якуний рўйхатини бугун эълон қилади. Демак, Олимпиада ўйинларида қатнашадиган спортчиларимиз сафи яна кенгайиши турган гап. Қолаверса, вакилларимиз айрим спорт турлари бўйича йўлланмалар учун курашни давом эттиришмоқда. Хусусан, эркин, юнон-рум ва хотин-қизлар кураши бўйича Олимпиада йўлланмасини қўлга киритолмаган спортчиларимиз 4-6 май кунлари Финляндияда ташкил этиладиган навбатдаги саралаш турнирида ўз омадларини синаб кўришади.

О.АБДУЛЛАЕВ

1 май — Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати очилган кун

ҲАМ ҒУРУРИМИЗ, ҲАМ ФАХРИМИЗ

Бугун дунёда оммавийлашган спорт турларининг қадимий илдизлари маълум бир халқнинг миллий урф-одатлари, анъаналари билан чамбарчас боғлиқ. Яъни ҳар бир халқ, миллатнинг ўзига хос миллий спорт ўйинлари бор. Шу жумладан, ўзбек халқининг ҳам. Ана шундай ўлмас қадриятларимиздан бири бу — шубҳасиз, миллий курашимиздир.

Истиқлол йилларида мамлакатимизда кўплаб спорт турлари қатори кураш ҳам кенг оммалашди, изчил ривожланди. Бир пайтлар тўй, байрам ва сайиллардагина ташкил этилган ўзбек курашини бугун бутун дунё таниди. Ҳозир ер куррасининг барча қитъаларида, юздан зиёд мамлакатларда кураш секциялари фаолият юритмоқда.

Қайд этиш жоизки, республикамизда Президентимиз раҳнамолигида миллий қадриятларимизни қайта тиклаш, асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган доимий эътибор ўзбек курашининг жаҳонга юз тутишида муҳим омил бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти соврини учун Шаҳрисабзда Амир Темур, Термизда ҳаким ат-Термизий хотирасига бағишлаб халқаро турнирларнинг ўтказилиши, 1992-1998 йилларда Жанубий Корея, Канада, Япония, Ҳиндистон, АҚШ, Россия каби давлатларда бўлиб ўтган йирик спорт анжуманларида унинг кенг намойиш этилиши курашимиз ҳаётида янги саҳифа очди, дейиш мумкин.

Юртбошимиз ташаббуси билан 1998 йил 6 сентябрда Кураш халқаро ассоциацияси тузилди. Дунёнинг 28 давлати вакиллари иштирокида ўтказилган Таъсис конгрессида Халқаро Кураш Ассоциациясига асос солинди. Бу миллий курашимизнинг халқаро спорт тури мақомини олишига замин яратди, жаҳон ҳамжамияти ўша кундан бошлаб уни халқаро спорт тури сифатида расман эътироф этди.

Президент Ислом Каримовнинг 1999 йил 1 февралдаги "Халқаро Кураш Ассоциациясини қўллаб-қувватлаш тўғрисида"ги Фармони, шубҳасиз, миллий кураш ривожини янги босқичга кўтарди. Ўша йили май ойида Тошкент шаҳрида кураш бўйича I-жаҳон чемпионати ўтказилди. КХА икки нуфузли халқаро ташкилот — Бутунжаҳон допингга қарши кураш агентлиги (WADA) ва Осиё Олимпия кенгаши аъзосига айланди.

Айни кунларда курашнинг жаҳон миқёсидаги мавқеи янада мустаҳкамланиб бормоқда. КХА таркибида Осиё, Европа, Панамерика, Африка ва Океания кураш конфедерациялари, шунингдек, юздан зиёд мамлакатларда миллий федерациялар қизғин фаолият юритмоқда. Бунинг самараси ўлароқ, болалар, ўсмирлар, хотин-қизлар, катталар ва фахрийлар ўртасида жаҳон ва қитъа чемпионатлари, халқаро турнирларни ўтказиш йўлга қўйилди. Аҳамиятлиси, эндиликда ўзбек кураши кириб борган дунёнинг кўплаб давлатларида "таъзим", "тўхта", "ёнбош", "чала", "дакки", "ҳалол" каби ўзбекона сўзлар жаранглаяпти. Табиийки, бу барчамизнинг қалбимизни фахр-ифтихорга тўлдиради. Яна бир қувонарли жиҳати шундаки, кураш Ёпиқ иншоотларда ўтказиладиган навбатдаги Осиё ўйинлари тақвимига киритилди.

Кўпчиликка яхши маълумки, жаҳонда олимпиада ўйинлар ва бошқа мусобақалардан ўрин олган спорт турлари кўп. Аммо улар бунга қадар узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтган. Ўзбек кураши эса қисқа муддат ичида деярли дунёнинг барча давлатларида шон-шуҳрат қозонди. Бунга эришишда бир нечта омиллар муҳим аҳамият касб этганини айтиш жоиз. Биринчиси, давлатимиз раҳбарининг бевосита раҳнамолигида мазкур спорт турига қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик бўлса, иккинчиси Кураш халқаро ассоциацияси томонидан унинг мунтазам равишда тарғиб этилишидир. Учинчи омил энг асосийларидан бири бўлса, ажабмас. Маълумки, ер юзида ҳам шаклан, ҳам хатти-ҳаракатлари билан ўзбек курашига ўхшаб кетадиган спорт турлари бор. Уларда рақибни қийнаш, унга азоб бериш ва шунга ўхшаш жиҳатларга рухсат этилган. Миллий курашимизда эса аксинча. Бизнинг полвонларимиз рақибини йиқитганидан сўнг унга нисбатан ҳар хил қийноқ амалларини бажармайди. Аксинча, қўлидан ушлаб ердан туришига ёрдамлашади. Бир сўз билан айтганда, курашчиларимиз ўзбекона ҳурмат-иззатни ўз ўрнига қўяди. Инсонпарварлик нуқтаи назаридан айнан мана шу жиҳат ҳам миллий курашимиз довруғи дунёга таралишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Деярли уч ярим минг йиллик тарихга эга ўзбек миллий кураши мамлакатимиз ҳудудидаги энг қадимий спорт тури саналади. У қатор шарқ адабий манбаларида яккама-якка олишув ва ижтимоий кўнгилочар спорт тури сифатида эътироф этилган. Қадимий қўлёзмаларда эрамиздан олдинги даврларда ҳам кураш оммавий мусобақалар таркибидан муносиб ўрин олганлиги ҳақида маълумотлар бор. Буни кўпгина ёзма ва тарихий ёдгорликлар тасдиқлайди. Масалан, антик дунё олими Элиан Клавдийнинг маълум қилишича, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида сак, массагет қабилалари яшаган пайтда ҳам улар ўртасида кучлар синови — кураш кенг тарқалган экан. Қадимги хитой қўлёзмаси — "Тан-шу" да ҳам юртимизда Наврўз байрамида аҳоли иккига бўлиниб, кураш мусобақалари ўтказгани қайд этилган.

Буюк аждодимиз Абу Али ибн Сининг "Китоб — ал қонун фит-тиб" асарида курашнинг икки тури ҳақида маълумот берилган. Алломанинг ёзишича, уларнинг бирида икки киши бир-бирини белбоғидан ушлаб, ўзига тортиб йиқитмоқчи бўлса, бошқасида бирини иккинчисининг тўни (яктак) ёқасидан, қўлидан ушлаган ҳолда рақибининг оёқларидан чалиб, ўрама ва қайтарма усулларини қўллаб йиқитишга ҳаракат қилган. Шунингдек, бобокалонимизнинг таъкидлашича, бундан минг йил муқаддам ҳам бу хил кураш усуллари маълум бўлган.



Ҳа, ота-боболаримиз азалазалдан ўғилларини миллий кураш руҳида тарбиялаб борган. Рақибга ҳурмат, тантилик туйғулари ҳам одамларимиз қалбига ўша пайтлардан сингган бўлса, ажабмас. Шу сабаб бугун курашимиз жаҳон спорт саҳнасида Ўзбек миллий кураши, деган улуғ ном билан юксак қадр топди. Давлатимиз томонидан курашни янада оммавийлаштиришга қаратилган тадбирларнинг самараси ўлароқ, мазкур миллий спорт тури яқин орада Олимпиа ўйинлари дастуридан ҳам жой олади, деган умиддамиз.

Азим БАҲОДИР

HURRIYAT

MUSTAQIL GAZETA

Муассис:
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Манзилимиз:
Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Электрон манзил:
hurriyat@doda.uz

Бош муҳаррир
Ўктам МИРЗАЁРОВ

Таҳрир ҳайъати:
Назира АБДУАЗИЗОВА
Фирдавс АБДУХОЛИҚОВ
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Ғулом МИРЗО
Феруза МУҲАММАДЖОНОВА
Акмал САИДОВ
Сайда УМИРОВ
Шерзод ҒУЛОМОВ

Телефонлар: 236-53-31, 236-53-38, 236-75-15, 233-67-51
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-55-13 Тел-факс: 233-36-02.

Вилоят мухбирлари:
Бухоро — 8-365-592-85-02,
Самарқанд — 8-366-233-62-12,
Сурхондарё — 8-376-396-30-59,
Фарғона — 8-373-215-80-58,

Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда.

ISSN 2010-7528

Индекс:
якка обуначилар ва ташкилотлар учун —233

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фозил ЖАББОРОВ

Топшириш вақти — 21[00]
Топширилди — 21[00]

Адади: 10937 Буюртма — Г-555 1 2 3 5